



ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИ ВА ХУДУДЛАРДА ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 21 июль куни ҳудуд ва тармоқларда ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида эришилган натижалар ва йил якунигача амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йил бошидан мамлакатимиз иқтисодиёти 8,5 фоизга ўсди. Саноатда 8 фоиз, хизматларда 16,9 фоиз, қурилишда 13,8 фоиз, қишлоқ ҳўжалигида 4,7 фоиз ўсиш таъминланди. Инвестициялар ҳажми 28 миллиард долларга, экспорт 14,4 миллиард долларга етди. “Fitch” ва “Moody’s” халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимиз суверен кредит рейтингини бир поғона яхшилади.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари 40 миллионли аҳоли ҳаётини яхшилаш учун 9-10 фоизли иқтисодий ўсиш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун ҳудуд ва тармоқ раҳбарларини мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиши, ҳар бир лойиҳа ва ҳар бир корхона бўйича аниқ натижага ишлаши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда ҳудуд ва тармоқ раҳбарларининг олти ойлик режалари ижроси танқидий таҳлил қилинди. Айрим ҳудудларда ялпи ҳудудий маҳсулот, қурилиш, инвестиция, саноат ва экспорт кўрсаткичлари бўйича захиралар тўлиқ сафарбар этилмагани қайд этилди. Ойлик, чораклик ва йиллик режаларни бажармаган раҳбарларга нисбатан масъулият кучайтирилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир вазир ва ҳокимнинг иши одамларнинг яшаш маданиятида сезилмаса, тадбиркорларнинг оғирини енгил қилмаса, ҳар қандай натижа фақат “қоғоздаги рақам” бўлиб қолишини таъкидлади. Шу боис, жойларда инфратузилма, бандлик, тадбиркорлик ва аҳоли даромадини ошириш бўйича ишлар мутлақо янги ёндашув асосида ташкил этилади.

Йиғилишда “маҳалла еттилиги” фаолиятини янгилаш ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада “Долзарб 40 кунлик” эълон қилиниб, 2 мингта энг оғир маҳаллада ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бошланди. Ҳокимлар ушбу маҳаллаларда электр, газ, йўл ва сув масалаларини ўз вақтида ҳал қилишга шахсан жавобгар бўлади.

Бандлик тизими эҳтиёжманд аҳолини ўқитиш, ишга жойлаштириш ва даромадини ошириш бўйича ҳудудма-ҳудуд ишлайди. Банклар ва маҳалла уюмлари фаолияти ҳам қайта кўриб чиқилиб, кейинги уч ой улар учун амалий аттестация даври бўлиши белгиланди. Маҳаллаларда ободлик, озодлик ва яшаш маданиятини юксалтириш бўйича ҳам аниқ вазифалар қўйилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бизнес муҳитини яхшилаш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Ҳозир 51 та вазирлик ва идорада 322 та йўналишда молиявий жарима қўллаш ваколати борлиги, 2024-2026 йилларда қарийб 3 триллион сўмлик жарима қўлланилгани қайд этилди. Президентимиз назорат қилувчи идоралар тадбиркорга аввал имконият бериши ва тўғри йўл кўрсатишни ўрганиши кераклигини таъкидлади.

Ташқи бозорларда рақобат кучайиб бораётган бир пайтда экспортчилар учун тўлов, йиғим ва ортиқча харажатларни камайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Барча вазирлик ва идораларга тизимидаги бюрократия, жарима, тўлов ва йиғимларни қисқартириш, бизнес муҳитини янада яхшилаш бўйича тақлифлар киритиш топширилди.

Саноат ва экспорт кўрсаткичлари ҳам танқидий кўриб чиқилди. Айрим туман ва шаҳарларда саноат ўсиши суръати пасайгани, экспорт бўйича қутилган ўзгариш бўлмагани қайд этилди. Бош вазирга натижа кўрсатмаган ҳокимлар фаолиятини кўриб чиқиш, тўққиз ой якунига қадар ўзгариш бўлмаса, масъул раҳбарларга нисбатан қатъий чора кўриш топширилди.

Стратегик корхоналар харажатлари таҳлилда айрим йирик корхоналарда маҳсулот таннархи ошгани кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, энергетика тармоқларида йўқотишлар юқорилиги, электр энергияси ва газ тақсимотида самарадорликни ошириш зарурлиги таъкидланди. Йирик компанияларнинг бозор қийматини ошириш, IPO

жараёнларига тайёрлаш ва ташқи инвесторлар учун жозибадорлигини кучайтириш вазифаси қўйилди.

Солиқ тушумлари йил бошидан 27 фоизга кўпайиб, 130 триллион сўмдан ошган бўлса-да, қўшимча тушум бўйича йиллик режа етарли даражада бажарилмаётгани танқид қилинди.

Ишлаб чиқаришни тиклаш ва хусусийлаштириш бўйича ҳам муҳим вазифалар белгиланди. Ҳозир айрим тўқимачилик корхоналари ишламай тургани оқибатида 5 триллион сўмлик маҳсулот ва 400 миллион долларлик экспорт имконияти бой берилмаётгани айтилди. Йил бошидан 57 та тармоқ ва 76 та ҳудудий корхона ишлаб чиқаришни 11 триллион сўмга камайтиргани ҳам танқид қилинди.

Мутасаддиларга ишламай турган корхоналарни бирма-бир таҳлил қилиб, улар фаолиятини тиклаш топширилди. Шунингдек, янги хусусийлаштириш дастури доирасида 100 триллион сўмлик кўчмас мулк, ер майдонлари ва давлат улушларини савдога чиқариш, давлат активларини олган тадбиркорлар учун тўлов шартларини енгиллаштириш белгиланди.

Сўнгги уч йилда 11 миллиард долларлик 509 та экспортбop қувват ишга туширилган бўлса-да, уларнинг 208 таси ҳали экспортга чиқмаган. Агар ушбу корхоналар маҳсулотининг камида 30-40 фоизи ташқи бозорларга йўналтирилса, қўшимча 1,5-2 миллиард доллар валюта тушуми таъминланиши мумкин.

47 та махсус иқтисодий зонанинг 29 тасида йил бошидан буён умуман экспорт бўлмагани ҳам танқид қилинди. Мутасаддиларга “тезкор бригадалар” ташкил этиб, экспортга чиқмаган корхоналар ва махсус иқтисодий зоналарда сертификат, айланма маблаг, бозор ва логистика билан боғлиқ масалаларни тезкор ҳал қилиш топширилди.

➤ Давоми 2-бетда

Буюк ўзбек йўли



Бугун билан ўтган атиги ўн йил орасида ер билан осмонча фарқ бор. Юртимиз тараққиётида, жамиятимизда, эл-юрт тафаккурида бўлган ва давом этаётган шиддатли ўзгаришлар ҳақида катта мамнулик ва фахр билан сўз юритмасдан илож йўқ. Зеро, буюк мутафаккир Алишер Навоий асарларида ҳам халқ, Ватан юксак ва муқаддас қадрият деб талқин этилади. Мутафаккир наздида чин инсон учун эл-юртга хизмат қилмоқ инсонийлик, садоқат ва бурчининг юксак тимсоли саналади.

МУҲТАШАМ ЯНГИ ДАВР Ватанпарварлик ва элпарварликнинг САДОҚАТ САҲИФАЛАРИ

Шу маънода, йиллар ва йўللари босиб ўтишдаги қийинчиликлар, муваффақиятлар уйғунлашган саҳифалар барчамизга дахлдор. Уларда эл-юрт равнақи, фаровонлиги, оилалар, келажимиз бўлган фарзандлар камоли, ҳар бир қарич ери муқаддас бўлган юрт манзараси мужассам. Уларга эса катта ё кичик, муҳим ёки иккинчи даражали деб қараб бўлмайди. Ватанга садоқат саҳифаларининг исталган жойидан сўз юритиш мумкин.

Кечагина кўчаларимиз ўйдим-чуқур, ҳамма нарсда бюрократик тўсиқлар, олий ўқув юртларида киришдаги тизимли коррупция, нақд пул муаммоси кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисми эди. Мамлакатда камбағаллик борлиги ҳақида гапирмаслик, муаммодан қочиш оддий ҳолга айланганди. Бугун шу ҳақда гапирсангиз, ёшлар ажабланади, худди узoқ ўтмишдан сўзлаётгандек, эртaк эшитгандек бўлади. Чунки улар қуйидаги қийинчиликларсиз улгаймоқда.

Нақд пул ва валюта чархпалаги. Одамлар ўз ойлиги ва пенсиясини олиш учун банкоматлар қаршисида кунлаб навбатда тургани, бозорларда “қора бозор” ва расмий курс ўртасидаги тафовут тўғрисидаги муаммоларни яшириш сиёсати. Илгари айтиш “табу” ҳисобланган камбағаллик мавзуси очик тан олинди ва унга қарши маҳаллабай тизим орқали курашиш бошланди.

нади, худди узoқ ўтмишдан сўзлаётгандек, эртaк эшитгандек бўлади. Чунки улар қуйидаги қийинчиликларсиз улгаймоқда.

Имтиҳонлардаги “таниш-билишчилик”. Олий таълимга киришдаги коррупция занжирлари узилди. Жараёнлар тўлиқ рақамлаштирилиб, инсон омили минималлаштирилди.

Муаммоларни яшириш сиёсати. Илгари айтиш “табу” ҳисобланган камбағаллик мавзуси очик тан олинди ва унга қарши маҳаллабай тизим орқали курашиш бошланди.

Халқ ичига кўчган ҳокимият

“Кабинет кодекси”нинг парчаланиши фақат Президент даражасида қолади. Бу тизим барча бўғиндаги амалдорларни халқ ичига киришга, одамларнинг дардини ўз кўзи билан кўришга мажбур қилди. Виртуал ва Халқ қабулхоналарининг ташкил этилиши давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак деган тамойилни реал ҳаётга кўчирди.

Илгари вазир ёки ҳокимнинг қабулига кириш йиллаб вақт олган бўлса, бугун раҳбарларнинг ўзи маҳаллаларда, чекка қишлоқларда сайёр қабуллар ўтказмоқда. Давлат ва жамият ўртасидаги ишонч айнан мана шу масофанинг йўқолиши ҳисобига қайта тикланди.

➤ Давоми 3-бетда



Шарҳ

ИНВЕСТИТОРЛАР УЧУН ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО МОЛИЯ МАРКАЗИ НЕГА КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОС БИЛАН ЯРАТИЛДИ?



“Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида”ги конституциявий қонун маҳаллий ва халқаро молия доиралари, иқтисодчи-экспертлар ҳамда потенциал инвесторларда катта қизиқиш уйғотди. Қизиқишнинг асл сабаби янги молия маркази ташкил этилаётгани эмас, Ўзбекистонда халқаро капитал учун ҳуқуқий кафолат илк бор оддий қонундан юқори юридик кучга эга ҳужжат даражасида мустаҳкамланганида. Мазкур ҳужжат мамлакат инвестиция сиёсатида ҳуқуқий барқарорлик ва институционал ишонч устувор аҳамият касб этаётганини англатади.


➤ Давоми 4-бетда



Долзарб мавзу

ИЛМИЙ КИМЁ саноатни ривожлантиришнинг ўзига хос модели

Жорий йил 2 июнь куни Президентимиз раислигида кимё саноатини жадал ривожлантириш ва ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳани миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айлантириш масаласи устувор бўлди.



Бугуннинг гапи

СУВ – СТРАТЕГИК БОЙЛИК

Соҳага жалб қилинган инвестициялар ҳажми
10 карра ошиб, 2,7 миллиард долларга етди

Биз ҳар куни беминнат истеъмол қиладиган обихаёт ҳар бир хонадонга етиб келгунига қадар минглаб километр узунликдаги қувурлар, муҳандислик иншоотлари ва мураккаб тозалаш жараёнларидан ўтади. Асосий вазифа ичимлик сув таъминоти даражасини ошириш эмас, аксинча, ушбу бебаҳо неъматни истеъмолчида барқарор, хавфсиз ва сифатли етказиб беришдан иборат.

Бугун сувга шунчаки ресурс эмас, стратегик бойлик сифатида қаралмоқда. Зеро, сув танқислиги инсоният яқин келажақда дуч келиши мумкин бўлган жиддий муаммолардан бири.

Экспертлар фикрича, глобал иқлим ўзгаришлари сув манбаларига жиддий таъсир кўрсатяпти. Шу боис, ҳар бир томчи сувдан самарали фойдаланишга қаратилган тизимни яратиш зарур ва бу замон талаби.

➤ Давоми 2-бетда

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИ ВА ХУДУДЛАРДА ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Миллий брендларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам вазифалар белгиланди. Сўнгги икки йилда бу йўналишда 15,5 миллиард сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилган. Лекин ўз брендини рўйхатдан ўтказган маҳаллий корхоналарнинг учдан бири ҳали экспортга чиқмаган. Шу боис, маҳаллий брендларни ташқи бозорларга олиб чиқиш ва уларни демпинг ҳамда контрафакт маҳсулотлардан ҳимоя қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилди.

Ташқи савдо юқларининг 70 фоизи темир йўл орқали ташилиши, бироқ бу йўналишда тадбиркорлардан эътирозлар кўплиги қайд этилди. Юк вагонларининг етишмаслиги, айрим темир йўл линияларида юклама юқорилиги сабабли логистикада қийинчиликлар юзага келмоқда. Мутасаддиларга қўшимча вагонларни жалб қилиш, темир йўл инфратузилмаси учун Жаҳон банкидан 200 миллион доллар маблағ жалб этиш бўйича келишувга эришиш топширилди.

Олий даражадаги таширфлар доирасида эришилган келишувлар ижроси ҳам кўриб чиқилди. Сўнгги йилларда 52 та таширф давомида 213 миллиард долларлик 1 минг 617 та инвестиция лойиҳаси бўйича келишувларга эришилган. Энди ушбу “йўл хариталари” ижроси Ҳисоб палатаси ва Ташқи ишлар вазирлиги томонидан қатъий назорат қилинади.

Бош вазирга ҳар ҳафта тармоқ раҳбарлари, ҳокимлар ва элчилар билан бирга лойиҳалар ижросини давлатлар кесимида муҳокама қилиш топширилди. Президент Администрацияси олди-га иқтисодий дипломатия, инвестиция ва экспорт бўйича дипломатик ваколатхоналар фаолиятини қайта кўриб чиқиш, ўз вазифасини бажара олмаётган раҳбарлар ўрнига ёш ва замонавий фўклайдиган кадрларни тавсия этиш вазифаси қўйилди.

Йилгишда инфляцияни жиловлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Вилоят ҳокимлари

январь-июнь ойларида инфляцияни 3 фоиздан оширмасликни мақсад қилган бўлса-да, аксарият ҳудудларда бу вазифа бажарилмагани қайд этилди. Ўшшт нархи ошгани муносабати билан импорт ўштин самолётда ташиш харажатларини қоплаш учун 300 миллиард сўм ажратилгани айтилди.

Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижалари чорвачиликдаги ҳақиқий ҳолатни кўрсатиб бергани таъкидланди. Чорвачилик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча маблағлар йўналтирилади, йил якунигача четдан 100 минг бош қоромол ва 150 минг бош қўй-эчки олиб келиш вазифаси қўйилди.

Мева-сабзавот ва картошка захирасини шакллантириш, совиткичи омборлар қуриш ва озиқ-овқат жамғармаларини тўлдириш бўйича ҳам аниқ чоралар белгиланди. Йил якунигача 87 минг тонна қувватга эга 340 та совиткичи омборни ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари глобал иқтисодиётдаги ноаниқликлар қанча давом этишини ҳеч ким олдиндан айта олмаслигини қайд этди. Асосий ҳамкор давлатларда иқтисодий фаолиик секинлашаётгани маҳаллий корхоналаримизга, айниқса, экспортчиларга таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу сабабли барча раҳбарлар ҳар қандай хатарни ҳисобга олган ҳолда ўз заҳираларини сафарбар қилишга тайёр бўлиши шартлиги таъкидланди. Тармоқ ва ҳудудларга бириктирилган “ақл марказлари” билан бирга 15 августгача илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди.

Ушбу таклифлар “ресурс — инфратузилма — лойиҳа — ишлаб чиқариш — бюджетга тушум — экспорт” занжирини ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантиришга қаратилган бўлади. 2027 йил учун макроиқтисодий параметрлар, бюджет, инвестиция ва экспорт дастурлари янгиچа ёндашув — “сафарбарлик сценарийси” асосида тайёрланади.

Йилгишда вазирлар, тармоқ раҳбарлари ва ҳокимларнинг ҳисоботлари, белгиланган топшириқлар ижросини жойларда ташкил этиш бўйича режалари тингланди.

ЎЗА



Тараққиёт одимлари

НУКУС ВА НУКУСЛИКЛАР

Муаммодан ечимгача бўлган масофа

Нукус шахрида кечаётган ўзгаришлар инсон кадрини улғушлашга қаратилган тизимли ислохотларнинг амалий ифодасидир. Маҳаллаларни ижтимоий соғломлаштиришнинг бош формуласи зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат. Бу борада шахарда сезиларли қадамлар ташланмоқда. Хусусан, Жайхун маҳалласида 1,5 километр, Ипак йўли маҳалласида 2 километр ва Янги замон маҳалласида 1,9 километр ички йўлга асфальт ётқизилди. Шунингдек, Янги замон маҳалласи ҳудудига 3,1 километр масофадан тоза ичимлик сув тармоғини тортиш қизғин паллада.



Бугун аҳоли бандлигини таъминлашда “Лойиҳа — мақсадли ёндашув” тизими ишга туширилган. Тўртта маҳалланинг ўзига юзлаб фўқаро микролоийҳалар орқали ишга жойлаштирилди. Шунингдек, Жайхун маҳалласида фаолият бошлаш арафасида турган “Эко текстиль” лойиҳаси орқали 35 хотин-қизни доимий иш ўрни билан таъминлаш мўлжалланган.

“Маҳалла еттилиги” ва ижтимоий ходимларнинг манзилли ёрдами натижасида Жайхун маҳалласида камбағал оилалар сони 292 тадан 190 тага, Янги замонда эса 96 тадан 50 тага камайди. Давлат таъминотидаги хонадонларга озиқ-овқат, кийим-кечак ва сув фильтри етказиб берилди.

Оғир тоифадаги ёшларнинг раҳбарларга бириктирилиши ҳам самара берапти. Жайхун маҳалласида оталиққа олинган ишсиз 14 йигит-қизнинг 11 нафари қисқа муддатда касб-ҳунарга ўқитилди, доимий ишга жойлаштирилди ва тадбиркорлик фаолияти учун имтиёзли кредит ажратилди. “Ёшлар дафтари” орқали талабаларнинг ўқув-шартнома пули тўлангани ҳамда зарур ускуналар олиб берилгани уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига хизмат қилади.

Норасмий бандликни камайитиришда жазолаш эмас, балки рағбатлантириш механизми танланди. Натижада вақтинча

қийинчиликка учраган корхоналар фаолияти қайта тикланди. Биргина Ипак йўли ва Нури бўстон маҳаллаларининг ўзига ўнлаб тадбиркорлик субъектларига меҳнат қилаётган ишчилар фаолияти қонунийлаштирилиб, улар учун кафолатли пенсия ва ижтимоий ҳимоя тизими яратилган. Аслида, Нукус шахридаги кенг қўламли ишлар ислохотларнинг бош мезони бўлган “Инсон қадрини учун” тамойили жойларда реал ҳаётни кучга эга бўлатганини кўрсатади.

— Маҳалламиз “Обод қишлоқ” дастурига киритилмагиз, ҳудудимизда илгари бажарилмаган кўп ишлар қилинди. Жумладан, 28 та кўчага ёриткичлар ўрнатилди, ҳудуддаги 4-шифохона филиали қурилди. Шунингдек, газ қувурлари тортилди, янги электр устуналари ва трансформаторлар ўрнатилди. 5,5 километр масофага пиёдалар йўлига ётқизилди. Буларнинг барчаси халқимизнинг кундалик ҳаётда қийналмай яшаш учун қилинаётган ислохотлар самараси, — дейди “Наврўз” маҳалла фўқаролар йигини раиси Алтинғул Жанибекова. — Инфратузилма яхшиланса, одамларнинг кайфияти ҳам кўтарилади, ҳаётга муносабати ўзгаради ва давлатга наф келтириш бош мақсадга айланади. Илгари ҳудудимизда мактаб йўқ, болалар боғчаси эса авария ҳолатида бўлгани учун ёпилганди. “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси

йўлга қўйилгач, ушбу имкониятдан тўғри фойдаланишга бел боғлади. Бирлашиб, қирқ йилдан буён ҳудудимиз экологиясига, аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб келаётган 2200 метр узунликдаги канал атрофини ободонлаштириш, уни яшил ҳудудга айлантириш бўйича 1 миллиард сўмлик лойиҳани ютиб олди.

Ҳар бир қадам маслаҳат билан ташланса...

Пойтахтда синодан ўтган “ақли туман” бошқарув тажрибаси Нукус шахрига ҳам кириб келди. Бу янгилишни маҳаллалар ҳаётини яхшилашга хизмат қилмоқда. Жорий йил 25 апрель кунин Нукус шахри ҳокими А. Данияров “Жас авлаб” маҳалласида бўлиб, аҳоли билан очик мулоқот ўтказди. Ўшанда ҳудуддаги сув, электр энергияси ва йўл муаммосини ҳал қилиш режаси аҳоли билан бирга муҳокама қилинди.

Халқ билан келишилган режалар қорғозда қолиб кетмади. Тез орада маҳалладаги муаммоларни ҳал этиш чораси кўрилди. Натижада жорий йил 25 майдан бошлаб мазкур маҳалла ҳудудида катта қурилиш ва таъмирлаш ишлари бошланди. Айни кунларда маҳалладошлар кўз ўнгига кўп қаватли уйларнинг томи ва девори таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилмоқда. Эскирган тармоқлар янгиланиб, рақамли бошқарув тизимини ўрнатиш учун замин ҳозирланапти. Маҳалладаги пиёдалар йўлаклари ва болалар майдончаларини созлаш ишлари ҳам давом этапти.

Нукус шахрининг йўл инфратузилмасини янада яхшилаш ва транспорт харақати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида “Мустақиллик” маҳалла фўқаролар йигини ҳудудидидаги Мустақиллик кўчаси бўйлаб, шунингдек, Халқлар дўстлиги ва Чимбой чойхона маҳаллалари кўчаларида йирик таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Уларни 24/7 режимида фаолият юритадиган кўчага айлантириш режалаштирилган. Бу жараёнда автомобиль йўллари кенгайтирилиб, эни 15 метрга етди. Шунингдек, йўлнинг икки томони га бетон ариқ ва тунги ёритиш жиҳозлари ўрнатилади, пиёдалар учун қулай йўлак ётқизилди.

Қанот ёзган интилиш

Ҳаётда ўз йўлини топиш, ҳалол меҳнат билан оила тебратиш ҳар бир инсоннинг улуғ мақсадларидан. Нукус шахрининг Наўтир маҳалласида яшовчи Несийбел Ержанованинг фаолияти ва унга қўрсатилган амалий ёрдам фикримизнинг яққол исботи. Несийбелни опа шароит йўлқилидан шикоят қилиб ўтirmай, ўз хонадонида жўжа кўпайтириб, даромад топишни мақсад қилди. Бироқ замонавий

инкубатори йўқ эди. Бундай вазиятда тўхтаб қолмади, муаммага ечим излаб Нукус шахар ҳокимлигига мурожаат қилди. Бу шунчаки кўмак сўраш эмас, балки “мен меҳнат қилмоқчиман, шароит яратишга имкон беринг” деган самимий интилиш эди. Мурожаати жавобсиз қолмади. Шаҳар ҳокимлиги ва саховатпеша ҳомийлар кўмаги билан Несийбелни опа хонадонига орзусидаги инкубатор етказиб берилди. Саховатли қўллар туфайли меҳнатсевар аёлнинг хонадонида нафақат янги ускуна пайдо бўлди, балки унинг орзулари ҳам янгидан қанот ёзди.

Кўнгилларни яқинлаштираётган эзгу амаллар

Аҳолининг катта-кичик раҳбарларга тўғридан тўғри мурожаат қилиши ҳам бундан 10 йил олдин имконсиз туюлган бўлса, Президентимизнинг давлат сиёсатида туб бурилиш ясаши, узоқни кўзлаган стратегияси босқичма-босқич самара бермоқда.

Тараққиётнинг иқтисодий моделида давлатнинг асосий вазифаси бизнес билан шугўлланиб пул топишда эмас, балки тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига шароит яратиб беришдан иборат. Ўтган беш йилда биргина Қорақалпоғистонда ишсиз фўқароларга, хотин-қизларга ва ёшларга субсидия ҳамда имтиёзли кредит асосида турли зарур жиҳоз, асбоб-ускуналар олиб берилди.

Ўртимиздаги тадбиркорлар ҳам Европада ўқиб келмаган. Ҳаммаси аста-секин ривожланган. Бунинг учун ўз ишига ихлос ва ташаббус керак. Мисол учун, нукуслик “Мира опа” ошхонаси асосчиси Мира Шегай, Тўнғич қўнис маҳалласида яшовчи Оразгул Асанова бизнесини пирожки сотишдан бошлаган. Шодли овулдаги Жумабике Қушекова ҳозир 70 ёшдан ошса ҳам иссиқхонада ишлар, даромад топиб келади. Кўнгилда ишга иштиёқ бўлса, барчасини йўлга қўйиш мумкин экан.

Ҳар бир инсон ҳаётини ўзгарттириши учун биринчи навбатда ҳаракат қилиб, оиласига бахтни ўзи олиб қиради. Бахт ҳам, бойлик ҳам бир қунда келиб қолмайди. Бунга инсон ҳалол меҳнати, ўзидagi бунёдкорлик шижоати билан эришади.

Шаҳримиз ривожини катта минбарларда эмас, балки ҳар бир хонадондаги хотиржамликда, ҳамшаҳарларимизнинг юзидagi табассум ва самимий меҳр-оқибатда намоён бўлмоқда. Бундай ҳаётдан розилик ҳисси бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилаётган нукусликларнинг кундалик ҳаётида ҳам ўз аксини топмоқда.

Элмира САГАЛАТДИНОВА, журналист

Бошланиши 1-бетда

Яқин йилларгача мамлакатимизда ҳам мазкур соҳада ечимини кутаётган масалалар талайгина эди. Эски тармоқлар, ичимлик сув таъминотидаги узилишлар, паст қувватдаги тозалаш иншоотлари ҳамда марказлашган канализация тизими қамрови етарли даражада эмаслиги ҳудудлар ривожини ва аҳолининг турмуш сифатига бевоисита таъсир кўрсатган. Ичимлик сув таъминоти инфратузилмаси йиллар давомида аянчи, таъмирталаб аҳволга келиб қолган эди. Қўллаб ҳудудларда сув тармоқлари ўнлаб йиллар янгиланмаган, айрим аҳоли пунктларида эса марказлашган ичимлик сув тизими умуман мавжуд эмасди. Ҳатто тармоқ мавжуд ҳудудларда ҳам ичимлик сув кўнига бор-йўғи бир-икки соат берилган.

Бу эса аҳолининг сувдан тўлақонли фойдаланиши у ёқда турсин, энг оддий кундалик эҳтиёжларини қондиришига ҳам имкон бермасди. Натижада фўқаролар сув келадиган фўрсатини пойлаб, турли идишларга захира-лаб олишга, ичимлик сувни узоқ масофалардан ташиб келиш ёки санитария талабларига жавоб бермайдиган манбалардан фойдаланишга мажбур бўлирди.

Энг ачинарлиси, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ўрнига уларни статистик ҳисоботлар орқали яширишлар ҳам кузатилган. Ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси сўнаъий равишда ошириб кўрсатилиб, амалдаги вазият билан ҳисоботлар ўртасида катта тафовут юзага келган эди.

Масалан, 2016 йилгача Қашқадарё вилоятида ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси расмий ҳужжатларда 20-30 фоиз этиб қайд қилинган бўлса, амалда 11 фоизга етмаган. Бошқа вилоятларда ҳам вазият шундай бўлган. Бу эса соҳадаги муаммолар нафақат чуқур, балки узоқ йиллар давомида тизимли равишда яшириб келинганини яққол кўрсатади.

Бугунги кунда соҳада вазият тубдан ўзгариб, кенг қўламли модернизация изчил давом этмоқда. Янги сув тармоқлари тортилди, мавжудлари реконструкция қилинапти. Замонавий сув тозалаш иншоотлари ва насос станциялари ишга тушириляпти. Йирик инвестиция лойиҳалари ҳаётга таътиқ этилмоқда. Натижада аҳолининг сифатли ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси йил сайин ортиб бормоқда.

СУВ – СТРАТЕГИК БОЙЛИК

Соҳага жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10 карра ошиб, 2,7 миллиард долларга етди

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025-2028 йилларга мўлжалланган дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Дастур асосида соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш эвазига ирригация тармоқларини реконструкция қилиш, эскирган ускуналарни алмаштириш, сув таъминоти даражаси паст майдонларни қисқартириш каби ишлар изчил бажарилляпти.

Сўнгги йилларда соҳага жалб қилинган инвестиция ҳажми 10 карра ошиб, 2,7 миллиард долларга етди. Натижада аҳолининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 2017 йилдаги 63 фоиздан қарийб 83 фоизга кўтарилди. Шу даврда 7,7 миллион аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланди, 11 миллион аҳолининг сув таъминоти яхшиланди, яна 1,1 миллион киши канализация тизимига уланди. 39 минг километр ичимлик сув ва 3,2 минг километр оқова сув тармоғи қурилиб, реконструкция қилинди.

Қашқадарё вилояти мисолида оладиган бўлсак, сўнгги йилларда ҳудудга ичимлик сув тизимини модернизациялаш ва марказлашув қамровини кенгайтириш мақсадида уч триллион сўм йўналтирилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу йўналишдаги муҳим объектларга таширфи чоғида қури-лиш ва бунёдкорлик ишлари билан яқиндан



“Сўнгги йилларда соҳага жалб қилинган инвестиция ҳажми 10 карра ошиб, 2,7 миллиард долларга етди. Натижада аҳолининг марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 2017 йилдаги 63 фоиздан қарийб 83 фоизга кўтарилди. Шу даврда 7,7 миллион аҳоли илк бор марказлашган ичимлик сув билан таъминланди, 11 миллион аҳолининг сув таъминоти яхшиланди, яна 1,1 миллион киши канализация тизимига уланди.

танишиб, янги мажмуаларни фойдаланишга топшириш маросимларида бевоисита ишти-рок этмоқда. Тақдимотлар ва видеоселектор

йигилишларида эса амалдаги ишлар чуқур таҳлил қилиниб, устувор вазифалар белгилаб олинмоқда.

қилиш, авариялар ва сув оқшини олдиндан аниқлаш, истеъмол ҳажминини прогноزلаш ҳамда аҳоли мурожаатларини тезкор кўриб чиқишга қаратилган лойиҳалар ҳам тақдир-мот қилинди.

Келгуси йилларда ичимлик сув таъминоти 90 фоизга, шаҳарларда канализация хизмати қамровини 80 фоизга етказиш мақсад қилинган. Бунинг учун қўшимча 1,3 миллиард доллар инвестиция келиб етилиши кўзда тутилган. Албатта, бунда халқаро молия институтларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Олдин иккитагина халқаро молия институ-тти билан ишланган бўлса, ҳозир уларнинг сони ўнтадан ошди. Тақдимотда соҳа мута-саддилари олдинга жуда катта вазифа ва мақ-садлар қўйилди. Жумладан, 513 та маҳаллага марказлашган ичимлик сув олиб бориш, яна 3 мингта маҳаллада таъминот сифатини ях-шилаш зарур.

Яна бир муҳим жиҳат. Йигилишда ич-имлик сувни хонадонгача етказиш ишларини тўлиқ қуяшлаш масаласига алоҳида эъти-бор қаратилди. Шу мақсадда сув таъминоти корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Амалдаги тарифлар хизматларнинг ҳақиқий таннарини тўлиқ қопламаётгани, ҳудудлар кесимида кескин фарқлар мавжудлиги соҳа-нинг инвестициявий жоизбодорлигига сал-бий таъсир кўрсатаётгани таъкидланди.

Шунингдек, ичимлик сувни ишлаб чи-қариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш вазифаларини ажратиш, Магистрал сув таъ-миноти корхонасини ташкил этиш таклиф қилинди. Унга ҳудудий ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларини шифоф ва иқти-содий мезонлар асосида белгилаш учун идо-ралараро тариф комиссиясини ташкил этиш, 2027 йил 1 апрелдан бюджет ташкилотлари учун ағона тарифини жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, хизмат-лар қамровини кенгайтириш, корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш, со-ҳани рақамлаштириш борасида белгиланган доллар вазифалар “Инсон қадрини учун” эзгу ғоясининг амалдаги ифодаси бўлиб хизмат қилади.

Лутфулла ХАЙРУЛЛАЕВ, журналист



Мақсуд ЖОНИХОНОВ, журналист

Бошланиши 1-бетда

Яқин ўтмишнинг бу соялари бугунги авлод учун чиндан ҳам асфодадек туюлади. Аммо бу “эртак”нинг ортида катта сиёсий ирода, тизимли ислохотлар ва эски фикрлаш қоидаларига қарши кураш ётибди. Масофаларнинг йўқолиши эса янги Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи ва тараққиёт қафолати бўлиб қолади.

Президентимиз қаҳида гапирганда, одатда қурилаётган заводлар, янгиланаётган шаҳарлар, ялпи ички маҳсулот рақамлари ёки халқро шарҳномаларни санаёмиз. Аммо булар — натижа. Бу натижаларнинг ортида қандай руҳият, қандай ички изтироб ва ҳеч ким қутмаган қандай фалсафа ётибди? Шавкат Мирзиёевни чинакам халқчил ва кучли лидерга айлантирган, кўпинча расмий хроникалар, кадрдан ташқарида қолдиган ўша асл эътирофлар нималардан иборат?

Унинг биринчи ва энг катта жасорати — давлат билан оддий одам ўртасидаги деворни йўқ қилиш бўлди. Бунини шунчаки “халқ билан учрашувлар” деб аташ адолатдан эмас. Бу — юксак ижтимоий эмпатия. Мирзиёев — сиёсат майдонига юрагини олиб кирган етакчи. Унинг вилоятларга ташир-фуни кузатиш: протоколларни, қўриқчилар қуршовини, олдиндан тайёяланган сценарийларни бузиб, одамлар орасига кириб кетади. Халқ қабулхоналари, маҳаллабай ишлаш тизими ва раҳбарларнинг халқ ичига кириши — мана шу янги даврнинг Бош қомусига айланди. Ўтган 10 йиллик тарих исботладики, энг тўғри қарорлар вазирилик биноларида эмас, балки оддий одамларнинг дардини тинглаш асосида, маҳалланинг чанг кўчаларида туғилди.

Илгари вилоят ҳокимини фақат ойнаи жаҳонда кўрадиган чекка қишлоқ одамлари бугун ўз маҳалласида вазири билан чой ўстида муаммосини ҳал қилапти. Бу — тизим ўзгаришларнинг энг оддий исботи.

“Ўйқусиз давлат”нинг ҳаракатлантирувчи кучи

Сиёсий кузатувчилар ва Президентимиз билан елкама-елка ишлайдиган инсонлар бир фактори яхши билади: Шавкат Мирзиёевнинг иш графикаси инсон имкониятлари чегарасидан ташқарида. У жуда кам ухлайди, тинимсиз ҳаракат қилади ва энг муҳими, атрофидагилардан ҳам худди шу шиддатни талаб қилади.

Президентимиз нега бунчалик шиддат билан ишлайди? Бу саволни ҳеч биримиз чуқур ўйлаб кўрмаймиз.

Жавоб эса оддий ва оғриқли: бой берилган вақтни қайтармоқчи. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг глобал дунёдан, замонавий технологиялардан, иқтисодий ривожланишдан неча йиллар орқада қолиб кетганини ҳаммадан кўра чуқурроқ ҳис қилади. У мамлакатнинг асрларга татигулик вақтни бой берганини билади. Шу боис, у Ўзбекистонни ўша бой берилган йиллар ўрнини тўлдирish учун югуришга, ҳатто учушга мажбурлапти.

Бу ерда геосиёсий ва тарихий масъулият ётибди. Президентимизнинг ички изтироби “биз улгуришимиз керак, халқимиз эртага ёки келажақда эмас, шу бугундан яхши яшаши керак” деган қатъий мақсадга боғланган. Шавкат Мирзиёев вақтнинг қадрини миллион баравар юқори қўйган, соат миллари билан мусобақалашаётган замон кашшофидир.

Кўпчилик раҳбарлар тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун ўзгаришлардан қочади. Чунки ислохот — хавфли жараён, у тизимнинг мувозанатини бузиши, норозиликлар келтириб чиқариши мумкин. Аммо Шавкат Мирзиёев энг комфорт ва тинч йўлни эмас, энг оғир ва машаққатли йўлни — тўб ислохотлар йўлини тандади.

Мамлакатнинг пул айирбошлаш (конвертация) тизimini очиш, мажбурий меҳнатга бараҳм бериш, пахта қўллитини тутатиш, чегараларни очиш — булар шунчаки қарорлар эмас, балки йирик сиёсий таваккалчиликлар эди. Натижада ўқувчи синфга, ўқитувчи дарсига, шифокор хонасига қайтди. Инсон қадри шу эмасми?!

Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келганидан сўнг амалга оширган энг буюк мўъжизаларидан бири ташқи сиёсат, хусусан, Марказий Осиёдаги муҳитни бутунлай ўзгартиргани бўлди. Бутун дунё сиёсатшунослари Марказий Осиёнинг янги қиёфаси қаҳида гапирганда, “Мирзиёев доктринаси” атамасини қўлаётди.

“Биз қўшнилариимиз билан тил топиша олмасак, узокдаги давлатлар бизни ҳеч



Шавкат Мирзиёев нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун бошли улкан минтақанинг тинчлиги ва келажагини асраб қолган “Минтақавий меъмор” сифатида тарихга кирди. У қўшничиликни сиёсий мажбуриятдан муқаддас қадрият даражасига кўтарди.

Иқтисодий ислохотлар ўз йўлига, лекин Шавкат Мирзиёевнинг қайлидаги энг катта оғриқ ва мақсад миллатнинг маънавий, илмий ва тарихий хотирасини тиклашдир. У атиги бир неча йил ичида Ўзбекистонни жаҳон ислом маърифати ва илм-фан марказига айлантира олди.

Ислом цивилизацияси марказининг қурилиши, Имом Бухорий, Имом Термизий халқро илмий-тадқиқот институтларининг

тарбияланаётган ёшлар интеллекти дунёни лол қолдирмоқда. Мирзиёев Ўзбекистоннинг келажагини ер ости бойликларида эмас, инсон капиталда, ёшларнинг онгида кўра олди. У жаҳолатга қарши уруш эълон қилди ва бу урушда маърифат қуроли билан ғолиб бўлмақда.

Давлатимиз раҳбарининг ижод аҳлига, зиёилирга эътибори ва меҳри бўлакча. У киши Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов каби миллат куйчиларини ёд этиб: “Улуғларимиз тирикчилигида уларга етарли шариот яратиб беролмаганимиздан катта армоним бор”, дея куйиниб гапириши замирида ҳам улкан масъулият ётади. Бутун санъат, адабиёт ва маданият намоёндалари давлатнинг чинакам ардоғида яшамокда. Бир умр халққа сидқидилдан хизмат қилиб, бир марта расмий муқофот олмаган хонанда Рустам Ғойиповнинг шахсан Президентимиз ташаббуси билан тўғридан тўғри “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” унвони билан тақдирланиши фикримизнинг аққол исботидир.

Халқимиз бу янгиланиш чин дилдан, катта қувонч билан қарши олди. Бу ижодкор қадрини тикланиши, йўқотилган армонларнинг ўрнини тўлдирish йўлидаги тарихий ва адолатли қадамлардан бир кичкина мисол, холос. Бундай маънавий ўзгаришларни чуқур ҳис қилиш учун узокда бориш шарт эмас, уларни ҳар биримиз ўз ҳаётимизда, ён-атрофимизда кўриб турибмиз. Масалан, мен Зангтога туманида яшайман. Ҳар кунини шу табарруқ ном билан боғлиқ зиёраттоҳ ёнидан ўтман. Тўрт фасл, ўн икки ой давомида бу ердан зиёратчилар қадами ўтмайди. Бутун кўрмак, сокин ва хушхаво бўлган бу маскан илгари ҳам бор эди. Аммо у вақтлар анча кўримсиз, пасткам ва эътибордан четда бўлган.

Мажмуанинг бугунгидек гавжум ва обод зиёраттоҳга айланишига бевосита Шавкат Мирзиёев сабабчи. Бундан роппа-роппа ўн йил муқаддам бошланган бу хайрли ташаббусни маҳаллий аҳоли ханузгача чексиз миннатдорлик ва фخر билан эсга олади. Бу оддийгина мисол — мамлакатдаги катта ўзгаришларнинг жонли акси.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев қаҳида энг олий ва барчамиз англаб етшишимиз керак бўлган эътироф шундай: **у нафақат Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий**

қиёфасини ўзгартирди, балки ўзбек халқининг руҳиятини, ўзлигига бўлган ишончини уйғотди. Ийилар давомида шакланган кўркув, шубҳа ва умидсизлик туйғуларини синдириб, ўрнига гурур, жасорат ва келажакка қатъий ишончини синдириди.

У буюк давлат арбоби, лекин биринчи навбатда ўз халқини чексиз муҳаббат билан севадиган, унинг ҳар бир зафаридан қувониб, ҳар бир ташвишдан қувандиган оддий ва самимий инсон. Маҳаллада оддий одамлар билан чой ичиб ўтирган, далада деҳқоннинг қўлини сиқиб раҳмат айтаётган, дунё минбарларида туриб миллат манфаатини шердек ҳимоя қилаётган Шавкат Мирзиёев — бугунги ва эртанги Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи ва бахти.

Келинг, ҳақиқатни тик туриб тан олайлик: яқин-яқингача жамиятимизда, одамларнинг онгу шуурида совуқ ва қарахт бир кўркув бор эди. Одамлар фикрлашдан, ҳақиқатни айтишдан, давлат идораларига яқинлашишдан, ҳатто ўз ҳақ-хуқуқларини талаб қилишдан кўрқарди. Давлат жазоовчи, назорат қилувчи ва масофа сақловчи маҳобатли бир машина сифатида қўрилган. Бу кўркув миллатнинг ижодкорлик, яратувчанлик ва эркинлик туйғуларини бўғиб қўйганди.

Президентимиз давлат бошқарувига келган илк кунларданок “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган талабни ўртага ташлади. Бу шунчаки чиройли жумла эмас, балки кўркув устидан ўқилган ҳужм эди. Халқ қабулхоналарининг очилиши, виртуал мурожаатлар тизими, оммавий ахборот воситалари ва блогерларга берилган эркинлик одамларнинг тилини ва дилини очди.

Энг муҳими, жамиятда кўркув ўрнини меҳр ва ишонч эгаллади. Оддий одамлар давлат раҳбари шахсида ўзларини доим эшитадиган, тушунадиган ва ҳимоя қиладиган суанчиқни кўрди. Бутун одамлар Президентимизга кўркув билан эмас, меҳр билан интилди. Унинг қўлини сиқишга, дардини айтишга, у билан суратга тушишга ошқанди. Мана шу руҳий иқлимнинг ўзгариши тизимли ёки иқтисодий ислохотлардан минг баравар кучлироқ бўлган маънавий инқилобдир. Шавкат Мирзиёев ўзбек халқига ўз Ватанида қўрқмай, эркин ва азиз бўлиб яшаш бахтини қайтарди.

Унинг оддийлиги сунъий имиж ёки сиёсий технология маҳсулоти эмас. Бу унинг қонида, табиатида бор бўлган самимиятдир. У ҳеч қачон ўзини халқдан баланд қўймади, аксинча, “Мен сизларнинг хизматчингизман, мен сизларнинг бахтиниз учун масъулман”, деб тақоррлашдан чарчамайди. Бу юксак камтарлик ва оддийлик миллионлаб инсонларнинг юрагини забт этди. Одамлар унда узокдаги сиёсатчини эмас, ўз оиласининг бошчисини, ўз отасини кўра бошлади.

Шавкат Мирзиёев ислохотларда, энг аввало, ёш авлодга таянмоқда. Не ажабки, илгари ҳам креслосини сақлаб қолиш учун ўша давр тизимини кўр-кўрона мактаб келган айрим шахслар бугун ҳам ўша эски, қарахт қарашлари билан янги даврга баҳо беришга уринмоқда. Бирок Президентимиз бу ички консерватизм ва эски тизим қолдиқларига қарши қатъий ва муросасиз стратегияни қўллапти. Бу стратегиянинг бош омили давлат бошқаруви тизимига хорижда билим олган, замонавий фикрлайдиган ёш йигит-қизларнинг олиб кирилиши бўлди. Эски мактаб вакилларининг маддоҳлиги эмас, балки ёшларнинг шиддати ва креатив фикрлаши янги даврнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

Кундалик муаммолар билан овора бўлиб, келажакни унутуш — кўп раҳбарларга хос нуқсон. Аммо Шавкат Мирзиёевнинг энг катта кучи узокни кўра билиш (стратегик) салоҳиятидадир. У фақат бугунги куннинг тинчлиги ёки эртанги куннинг иқтисодий кўрсаткичлари билан яшамайди. Ўзбекистоннинг эллик, юз йилдан кейинги қиёфасини, дунё харитасидаги ўрнини кўра олади ва қарорларини шунга қараб қабул қилади.

Бу узокни кўра билиш қобилияти қуйидаги йўналишларда аққол намоён бўлмақда.

Инсон капиталли ва Учинчи Ренессанс. Ер ости бойликлари ва табиий ресурслар қачондир тугайди, аммо илм ва интеллект тугамайди. Шавкат Мирзиёевнинг Президент мактаблари, ихтисослаштирилган, ижод мактабларини ташкил этиши, олий таълим тизimini тубдан ўзгартирishi бу — келажакка тикланган энг катта инвестиция. Янги давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг истиқболини интеллектуал авлод қўлига топишмоқда.

Яшил энергия ва экология. Дунё глобал иқлим ўзгариши ва сув танқислиги ёқасида турган бир пайтда, Шавкат Мирзиёев мамлакатини яшил энергияга ўтказиш, Оролбўйи худудини кўкаламзорлаштириш (“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси) ишларини бошлаб берди. Бу келажак авлодлар биздан рози бўлиши учун ташланган стратегик қадамдир.

Марказий Осиё бирлиги. Қўшни давлатлар билан ёпиқ бўлган чегараларни очиш ва минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш фақатгина бугунги савдо-сотик учун эмас, балки келгусида бутун минтақанинг глобал кучлар қаршисида яхлит ва бақувват геосиёсий марказ сифатида туриши учун қилинган узокни кўзланган юриш эди.

Ортада қолган ўн йиллик тарих — шунчаки вақт оқими эмас, балки миллатнинг ўзлигига қайтарилгани, давлат ва халқ ўртасидаги ишонч қўриқларининг тикланиши даври. Кабинетлар деворининг қулашидан бошланган бу йўл Зангтога мажмуаси мисолидаги юзлаб таърифлар масканларининг ободлигида, ижод аҳлининг тикланган қадар-қимматида ва энг муҳими, келажакни ўз қўлига олаётган жасур ёшларнинг шиддатида акс этмоқда. Ўтган ўн йил исботладики, энг буюк ўзгаришлар баландпарвоз нутқларда эмас, балки оддий одамларнинг розилиги ва бахтида намоён бўлади. Зеро, халқ рози бўлган юртнинг эртаси ҳамisha улугвор ва мухташамдир.

Ислохотлар самараси

Корақалпоғистонда туғилиб, Нукус давлат педагогика институтининг чет тиллар факультетида тахсил олганман. Мана шу икки жиҳат — туғилган ватаним ва тил ўрганганим мен учун энг яхши неъмат бўлди. Зеро, самимий, қалби булоқ суви каби тиник халқ фарзанди эканимдан бошқаларни ҳам билиш, дунёни танишга имкон беради. Ҳозир фаолиятим давомида бунга бот-бот амин бўляпман.

Дилфуза ЖИЯНБЕКОВА,
“Massaget Nukus service”
корхонаси директори

Корақалпоғистонлик тадбиркорлар учун яратилган алоҳида имкониятлар хорижий сайёҳлар ва инвесторлар билан ҳамкорлик-гимизда қўл келяпти. Чет элдан келган сайёҳлар билан суҳбатлашиб, фикр, тажриба алмаштишда тил билишнинг асқатмоқда. Ўқиниш тамомлагач, биринчи бўлиб Орол денгизи бўйида экотуризмни ривожлантириш учун машиналарни ижарага олиб, транспорт хизматини оқдим. Гид бўлиб ишладим. Кейинчалик Нукусдаги “Қизилқум” меҳмонхонасида директор бўлдим. “Ипак йўли” меҳмонхонасида беш йил администраторлик қилдим. Хуллас, йиллар давомида шу соҳада

ТАДБИРКОРГА ЭНГ ЯХШИ САРМОЯ

Онамнинг уйи музейга яқин эди. “Ойи, уйингизни беринг, ишонинг! Меҳмонхона куриб, шу бизнес сабаб ҳаммамизга уй-жой ҳам бўлади, бошқа эҳтиёжларимизни ҳам қоплайман”, деганман. Онам ишонди. Шу тариқа саккиз хонали, 16 кишини қабул қила оладиган кичкина меҳмонхона билан иш бошладик. Ўшанда қариндошларим бор пулларини бериб, меҳмонхонамга сармоя киритди.

Шунга қарамай, бу пуллар иморатни қўтаришга ўзрга етди. Меҳмонхона ичини тўлиқ жиҳозлаш учун банкдан кредит олишдан бошқа йўл йўқ эди. Ўшанда 2014 йил, ҳозиргидай имконият, шароит қаерда дейсиз. Яримтайёр бизнес учун кредит олишга саккиз ой вақтим кетган. Хужжатлар, қафолат — ҳаммаси жойида бўлса-да, 8 ой давомида ҳар кунини банкка катнаганман. Ҳатто банк биноси олдида кечки соат 9-10 гача ўтирган кунларим бўлган. Ҳа, ўша пайтларда ишончсизлик, тушкунлик оёғимизга тушов соларди. Ҳозир бу гаплар эртақдай эшитилмади. Чунки вазият тубдан ўзгарди. Янгиланишлар сабаб тадбиркор учун энг яхши сармоя мамлакатдаги имкониятлар ва ишонч муҳити эканини англадим.

Бутун тадбиркорларга ҳамма имкониятлар, имтиёзлар яратиб берилган. Вазифамиз — фақат ушбу имкониятлардан тўғри фойдаланиб, тадбиркорлиқни ривожлантириш. Содда қилиб айтганда, хоҳиш, истак



ва ҳаракат бўлса бас. Ўзимдан мисол, 2017 йилда 8 хонали меҳмонхонамиз торлик қила бошлади. Меҳмонхонанинг учинчи қавати-ни кўтардим. Шу тариқа қирқ беш ўринли меҳмонхона эгаси бўлдим.

Қаранг, туризм ривожини учун ҳатто ўзимиз яшаётган хонадонни меҳмон уйига айланти-

ритилишга ундайди. Илгари қўрбимиз етмагани учун орзу қилишга ҳам иккиланидиган ишларга беш қўшямиз. Масалан, жаҳон стандартларига жавоб берадиган катта меҳмонхона куришни мақсад қилдик.

Бунинг учун 2025 йили лойиҳа ишлаб чиқиб, 3,5 миллиард сўм кредит олдик. Орзумдагидек 80 ўринли меҳмонхона куришга эришдим. Келаётган сайёҳлар, барча меҳмонларимиз хизматимиздан мамнун бўляпти.

Биз Туризм қўмитаси орқали хориждаги ярмаркаларда катнашиб, юртимиздаги сайёҳлик имкониятларини тарғиб этиб келяпмиз. Орол денгизи, унинг қуриган тубидаги ҳаёт сайёҳларни жалб этади. Устурт платосидаги қаньонлар ҳеч бир мамлакатда йўқ. Уларни томоша қилиш инсонга эстетик баҳ беради. Бунинг барчаси юртимизда катта сайёҳлик салоҳияти борлигидан далолат. Узок йиллар давомида биз шундай имониятдан тўла фойдалана олмадик. Кейинги йилларда эса соҳа тубдан ўзгарди. Масалан, ҳозир мен бошлаган тадбиркорлик иши орқали 30 дан ортиқ юрtdошимиз ишли бўлди. Қўшимча равишда туризм агентлиги очдик. Унда сайёҳларни мамлакатимизга чорлаш билан бирга юртдошларимизнинг хорижа саёҳатини юқори сифатда ташкил этиш хизматлари ҳам бор.

Бир сўз билан айтганда, юртимиз ривожига ҳисса қўишни мақсад қилганмиз. Мазкур йўлда ҳеч бир қийинчиликка дуч келмадик. Зеро, мамлакатимизда итилган инсон учун кенг имконият ва имтиёзлар эшиги ҳамisha очик!



ИНВЕСТИОРЛАР УЧУН ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО МОЛИЯ МАРКАЗИ НЕГА КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОС БИЛАН ЯРАТИЛДИ?

Шерзод ҚУРБОНОВ,
иқтисодий таҳлилчи

Бошланиши 1-бетда

Глобал рақобат энди табиий ресурс ёки арзон ишчи кучига эмас, барқарор ҳуқуқий муҳит, самарали бошқарув ва ишончли институтга тобора кўпроқ боғлиқ бўлмоқда. Хусусан, халқаро капитал қонун устуворлиги таъминланган, хусусий мулк ҳимояланган, суд тизими мустақил ва давлат мажбуриятига ишонч юқори бўлган давлатни танлайди. Шу сабабли замонавий молия маркази ҳизмат кўрсатиладиган махсус ҳудуд доирасидан чиқиб, мамлакат ҳуқуқий тизими ва бошқарув сифатини намоён этувчи институционал майдонга айланимда.

Қабул қилинган конституциявий қонунга сўнгги тўққиз йилдаги иқтисодий ислохотларнинг мантқий давомий сифатида қараши мумкин. Иқтисодиётни либераллаштириш, хусусий мулк ҳимоясини кучайтириш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва капитал бозорини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳужжатда яхлит ҳуқуқий асосга эга бўлди — очик иқтисодиёт сийёсати ва қонун устуворлигини таъминлаш йўлидаги ислохотлар шу тарикқа янги институционал босқичга кўтарилди.

Жаҳон тажрибаси инвесторлар учун ҳуқуқий барқарорлик солиқ имтиёзидан ҳам муҳимроқ омил эканини кўрсатади. Солиқ сийёсати ва иқтисодий шaroит вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин, аммо давлат зиммасига олган мажбуриятнинг ишончли ҳимоя қилиниши инвестиция муҳитининг узоқ мuddатли жозибадорлигини белгилайди.

Шундай экан, Тошкент халқаро молия марказининг конституциявий қонун асосида ташкил этилиши оддий ҳуқуқий-техник масала эмас — у Ўзбекистоннинг халқаро капитал учун ишончли ҳуқуқий макон яратиш ва жаҳон иқтисодиётига чуқурроқ интеграциялашишга қаратилган узоқ мuddатли институционал стратегик танловдир.

Асосий бош мақсад

Конституциявий қонун юридик мақоми жиҳатидан оддий қонундан фарқланади ва давлат ҳуқуқий тизимида юқори поғонани эгаллайди. Тошкент халқаро молия маркази тўғрисидаги мазкур ҳужжатнинг бош мақсади марказни ташкил этиш ҳамда унинг фаолияти учун халқаро молия бозорлари талабига мос алоҳида ҳуқуқий-институционал муҳит яратиш билан бирга Ўзбекистонда инвестицияларни жалб қилишнинг мутлақо янги институционал моделини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамдир.

Қонуннинг учинчи моддасида марказнинг мақсад ва вазифаси аниқ ҳуқуқий мазмунда ифодаланган: у халқаро молиявий ҳизмат сектори ривожига муносиб ҳисса қўлиши, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва диверсификацияланган ўсишини қўллаб-қувватлаши ҳамда халқаро майдонда рақобатбардор етакчи молия марказига айланиши лозим. Ушбу мақсадга эришиш учун мазкур қонунда саккизта устувор вазифа белгиланган.

Мамлакат тараққий этар экан, аҳоли хавфсизлиги ҳамisha устувор аҳамиятга эга. Зеро, ҳар қандай жамиятнинг ўсиши, ривожланиши, аввало, фуқароларнинг хавфсизлиги, давлатга ишончи билан баҳоланади. Шу мақсадда юртимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга энг устувор масалалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мухими, бугун жиноятнинг оқибатларига қарши курашиш эмас, балки уларнинг олдини олиш устувор. Бу каби муҳим вазифанинг асосий юки ҳар куни маҳаллаларда, одамлар орасида юриб, профилактикага ишлари билан шуғулланаётган нозирлар зиммасига тушади.

Президентимиз шу йил 29 июнь кuni профилактика инспекторлари ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш, соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш юзасидан тақдирлар тақдимиюти билан таниди.

Биринчидан, молиявий ҳизмат учун жозибадор, рақобатбардор ва шаффоф муҳит яратиш, шунингдек, миллий стратегик лойиҳа, инфратузилма, энергетика ва давлат-хусусий шериклик ташаббусига маҳаллий ва хорижий инвестицияни жалб қилиш назарда тутилган. Мазкур вазифа марказ фаолиятининг реал иқтисодиётга капитал оқимини йўналтириш билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади.

Иккинчидан, қимматли қозғов ва бошқа капитал бозорини ривожлантириш ҳамда уни халқаро капитал бозори билан интеграциялашувини рағбатлантириш кўзда тутилган.

Учинчи жиҳат эса банк хизмати, сугурта, исломий ва муқобил молия, молиявий технология, рақамли актив ва электрон тижорат каби инновацион молиявий фаолиятни ривожлантириш ва диверсификациялаш вазифасини назарда тутди.

Тўртинчидан, хорижий молиявий ҳизмат кўрсатувчи ҳамда марказ иштирокчиси билан ҳамкорликда халқаро миқёсда эътироф этилган янги ва инновацион тажрибани жорий этиш рағбатлантирилади.

Бешинчи вазифа марказнинг нуфузли халқаро молия маркази сифатида эътироф этилишига эришиш ҳамда Ўзбекистонни самарадорлик, очкичлик ва ҳалоллик тамойилига асосланган илгор молиявий юрисдикция сифатида тарғиб қилишга қаратилган.

Олтинчидан, марказнинг Ўзбекистон иқтисодий ўсиши бўйича белгиланган истиқболли мақсадни амалга оширишда фаол иштирок этиши назарда тутилган бўлса, еттинчи вазифа сифатида молиявий ҳизмат орқали иқтисодиётнинг ривожланиши ва диверсификациялашувига ҳисса қўлиши, ушбу соҳанинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини ошириш белгиланган. Ниҳоят, саккизинчидан, Тошкент халқаро молия марказини ва у орқали Ўзбекистонни низоини ҳал этиш ҳамда келишув бўйича халқаро марказ сифатида тарғиб қилиш вазифаси қўйилган.

Узоқ йилларга мўлжалланган стратегик институт

Табиатан конституциявий қонунлар оддийларидан юридик кучи, тартибга солиш



предмети ва қабул қилиш тартиби билан фарқланади. Оддий қонун муайян ижтимоий муносабатни тартибга солса, конституциявий

“Иқтисодий адабиётда бу ёндашувнинг ўз номи бор — “ишончли мажбурият” (credible commitment) назарияси. Унинг моҳияти оддий: имтиёз ваъда қилиш кифоя эмас, инвестор эртага ҳам шу қоида амал қилишига ишонч ҳосил қилиши керак.

билан тартиб кўрилади, ҳуқуқий риск қанча юқори бўлса, лойиҳа қиймати шунча ошади, сармоя қарори эса шунча кечикади. Шу боис, Тошкент халқаро молия маркази қисқа мuddатли лойиҳа эмас, узоқ йилларга мўлжалланган стратегик институт сифатида шакллантирилмоқда. Конституциявий қонунни танлаш марказ қоидаларини энг юқори юридик кучга миҳлас демекдир. Бу ёндашув халқаро капиталга аниқ ҳуқуқий чегара чизиб беради ва мамлакат сийёсатининг изчиллигига ишончли мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Иқтисодий адабиётда бу ёндашувнинг ўз номи бор — “ишончли мажбурият” (credible commitment) назарияси. Унинг моҳияти оддий: имтиёз ваъда қилиш кифоя эмас, инвестор эртага ҳам шу қоида амал қилишига ишонч ҳосил қилиши керак. Барқарор қоидада эса капитал арзонлашади, сармоя тезлашади, рисклардан ҳимояланиш ишончи кучаяди.

Тошкент халқаро молия марказига берилган кафолатларнинг конституциявий даражада мустаҳкамланиши халқаро инвесторларга Ўзбекистон бугунги фойда эмас, эртанги мажбуриятга содиқлик устидан ҳамкорлик кўприги куришга интилаётганини яққол кўрсатади.

ларни оддий қонун билан эмас, айнан конституциявий қонун орқали мустаҳкамлашни маъқул кўрди?



билан белгиланадиган вазифаларни бажаради. Лойиҳага кўра, профилактика инспекторининг касбий фаолиятига аралашши, унга тааллуқли бўлмаган топшириқлар ва асоссиз юкламалар бериш тақиқланади. Ҳуқуқла-

Жавоб халқаро капиталнинг табиатида. Гап шундаки, йирик инвестиция фондлари, трансналлий корпорациялар ва халқаро банклар маблагни қаерга йўналтиришни ҳал қилаётганда бозор ҳажми ёки қутлаётган даромаддан кўра кўпинча ҳуқуқий рискни чуқурроқ ўлчайди. Зеро, инвестициянинг узоқ мuddатли тақдирини ўша давлатнинг ўз сўзида тура олиш-олмаслигига боғлиқ.

Институционал иқтисодиёт назарияси мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини солиқ имтиёзи ёки арзон меҳнат кучи эмас, қонун устуворлиги, мулк дахлсизлиги ва давлат институтларининг ишончлилиги белгилашини кўрсатади. Инвестор ҳисоб-ки-тобида даромад имконияти ҳамisha таваккал

Қонун амалда нимани белгилайди?

Ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжатнинг қиймати унда ёзилган мақсадда эмас, у қандай институт яратиши ва иқтисодий муносабатга қандай таъсир кўрсатиши билан ўлланади. “Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида”ги конституциявий қонун ҳам айнан шу мезон билан баҳоланимда.

Юзага келадиган инвестиция ва тижорат низолари Тошкент халқаро тижорат судида биринчи ва апелляция инстанцияларида кўриб чиқилади. Мустақил суд институти инвестор учун ортиқча тафсилот эмас, таянч нуқтаи ҳисобланади. Ниёз ҳолис, тезкор ва прогноз қилинадиган тарзда ҳал этилса, инвестиция рискин пасаяди, шартномага ишонч кучаяди, капитал жалб қилиш харажати қисқаради. Амалда суд ҳимоясининг ишончлилиги кўпинча солиқ ёки маъмурий имтиёздан узоқроқ ва чуқурроқ таъсир кўрсатади.

Марказ иштирокчилари учун хорижий валютада ва рухсат этилган рақамли активлар орқали ҳисоб-китоб, чет эллик мутахассисини меҳнат рухсатномасисиз жалб этиш, беш йилгача виза, капитал ва дивиденднинг эркин репатриация қилиш каби жаҳон молия марказлари амалиётига мос махсус режим ўрнатилмоқда. Бу қоидалар капитал, технология ва малакали кадрлар ҳаракатидаги маъмурий тўсиқларни қисқартиради.

Бошқарув тизими ҳам ўзига хос бўлиб, Президент тасдиқлайдиган кенгаш олий орган ҳисобланади, молиявий регулятор бозорини назорат қилади, Тошкент халқаро тижорат суди эса ўз доирасида мустақил ишлайди. Умумий мувофиқлаштириш Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси зиммасида. Қонун марказ органларига фуқаролик, корпоратив, тижорат, молия, солиқ ва меҳнат соҳаларида махсус ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқини беради. Шаффофлик механизми ҳам институционал жиҳатдан мустаҳкамланган. Марказнинг жарима жорий этуви ёки мавжуд тартибга солиш режимида жиддий таъсир кўрсатувчи муҳим қарорлари қонунга кўра кучга киришидан аввал расмий реестрда эълон қилинади. Бу инвесторларга қоидалар ўзгариши ҳақида олдиндан хабардор бўлиш имконини беради. Бундай институционал

тизим халқаро молиявий муносабатнинг ўзига хослигини ҳисобга олган тартибга солиш усули десак, тўғри бўлади.

Марказ фаолиятида иқтисодий жиҳатдан энг оғир тошни босган норма солиқ имтиёзининг 2076 йил 1 январгача, яъни деярли эллик йил давомида амал қилиши бўлди. Мазкур рақам тасодиқий эмас. Инфратузилма, транспорт ва молиявий хизмат лойиҳаларида дастлабки харажат юқори, сармоянинг қопланиш даври эса ўнлаб йилга чўзилади. Солиқ шартининг барқарорлиги инвесторга келгуси пул оқимини аниқ ҳисоблаш ва молиялаштиришни узоқ мuddатга режалаштириш имконини беради.

Жараён изчил ва тизимли кечса...

Расмий прогнозларга кўра, 2030 йилга қадар Тошкент халқаро молия маркази орқали иқтисодиётга қўшимча 20-25 миллиард доллар инвестиция жалб этилиши, ялпи ички маҳсулотнинг йиллик 1 фонгача қўшимча ўсиши, 15 мингтагача юқори малакали иш ўрни яратиши ва 10 минг мутахассиснинг касбий ривожланишига кўмаклашиш қутилмоқда.

Муҳим амалий тафсилот шундаки, марказ абстракт келажак эмас, аниқ мuddатга эга — 2027 йил бошидан тўлиқ фаолият юритиши режалаштирилган. У активларни бошқариш, капитал бозорлари, исломий молия, финтех ва оилавий офислар (family offices) каби платформа хизматларини тақдир этиди, инвесторларга корпоратив, дивиденд ва капитал ўсиш солиқларидан узоқ мuddатли имтиёзлар берилади.

Марказ фаолиятининг ҳақиқий самараси жалб қилинган хусусий капитал ҳажми билан баҳоланади. Мазкур жараён мамлакатдаги умумий инвестиция фаоллиги билан ҳам уйғун кечмоқда. Жорий йилда бўлиб ўтган V Тошкент халқаро инвестиция форуми якунлари бўйича 166 та келишув асосида 43,1 миллиард долларлик лойиҳалар эълон қилинган фаоллики аниқроқ кўрсатади. Бу маблаглар Ўзбекистоннинг халқаро инвестиция майдонидидаги жозибадорлигини изчил ортиб бораётганидан далолатдир.

Тошкент халқаро молия марказининг 2027 йилдан тўлиқ ишга тушиши ва 2030 йилга қадар 20-25 миллиард доллар жалб қилиш режасига шу нуқта назардан қаралса, атиги уч-тўрт йиллик амалий фаолият даврида юқори амбицияли мақсад ҳисобланади. Унинг амалга ошиши ички ислохот билан бирга глобал иқтисодий конъюнктура, халқаро капитал бозори ҳолати ва инвестор ишончига ҳам боғлиқ. Дастлабки босқичда молия марказининг асосий туғи жалб қилинган маблаг ҳажми эмас, инвестор ишончи, ҳуқуқий институт самарадорлиги ва халқаро обрўнинг шаклланиши билан ўлланади.

Яна бир муҳим жиҳат, марказнинг ҳуқуқий модели Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиш жараёни билан институционал жиҳатдан уйғунлашади. Жорий йил ўрталарига келиб мамлакат ЖСТга аъзо 34 давлатдан 33 таси билан икки томонлама музокарани яқинлаштиради. ЖСТга аъзолик шаффоф қоида, прогноз қилинадиган тартибга солиш ва низоини ҳал этишининг ишончли механизмининг талаб қилади. Худди шу тамойил молия маркази фаолиятида ҳам ўз аксини топган. Мустақил суд, халқаро ҳуқуққа асосланган режим ва халқаро арбитраж амалиёти мамлакатнинг институционал салоҳиятини намоён этади.

Келгуси йиллар Тошкент халқаро молия маркази учун ҳал қилувчи босқич бўлади. Халқаро тажриба кўрсададики, ҳар қандай молия марказининг дастлабки уч-беш йилда суд амалиёти шаклланади, регуляторга ишонч мустаҳкамланади ва илк йирик халқаро битимлар амалга оширилади. Шу нуқта назардан, келгуси босқичда марказ иштирокчилари билан миллий молия институтлари тўғрисида ҳамкорликни қучайтириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда инвестициялар ва иштирокчилар сони бўйича очик йиллик ҳисоботлар тизимини жорий қилиш устувор йўналишлар сифатида кўзга ташланади.

Ушбу йўналишлар изчил ва тизимли кечса, Тошкент халқаро молия маркази инвестицияларни жалб қилиш платформаси билан бирга Ўзбекистонда ҳуқуқий ва институционал ислохотларнинг амалий моделига айланиши турган гап. Пировардида марказнинг ҳақиқий муваффақияти қонуннинг ҳуқуқий мақоми, унинг негизда шаклландирилган институтлар, инвестициялар учун яратиладиган ишончли муҳит ҳамда Ўзбекистоннинг глобал молия тизимидаги ўрни билан белгиланади.

тадбирлар услубини ишлаб чиқади ҳамда ваколати доирасида тегишли ҳужжатларни расмийлаштиради.

Шунингдек, профилактика инспекторларига қўшимча ваколатлар ҳам берилиши режалаштирилган. Хусусан, 18 та модда бўйича маъмурий оғохлантириш ҳуқуқи берилмоқда. Бунда айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий жазо қўллаш ваколати кенгайтирилади. Айрим моддалар бўйича маъмурий оғохлантириш жазосини қўллаш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, профилактика инспектори зиммасига ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексига қатъий риоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар тўғрисида фуқароларнинг ҳар қандай шаклдаги мурожаатларини қабул қилиш ва тезкорлик билан муносабат билдириш, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойга дарҳол етиб бориш ва текшириш, жабрланганларга биринчи тиббий ёки бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш каби мажбуриятлар юклатилади.

Қисқаси, жамоат хавфсизлигини таъминлашда профилактика инспекторларига яратилган имконият ва берилган ваколатлар, шубҳасиз, мамлакат фаровонлиги ҳамда юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Бошланиши 1-бетда

**Ҳозир бурилиш нуқтаси.
Нега?**

Бир неча ўн йиллар олдин саноатнинг ривожланиши, асосан, хомашё маъдудлиги билан белгиланарди: мамлакат қанча кўп нефть, газ ки минерал ресурсларига эга бўлса, унинг маъмул шунча мустахкам бўларди. Бугунги кунда бу модель тез суръатда долзарблигини йўқотмоқда. Ҳақобатбардошлик қайта ишланган хомашё ҳажмига тобора камроқ ва юқори кўшимча қийматга эга янги технологиялар, материаллар ва маҳсулотлар яратиш имкониятига кўпроқ боғлиқ бўлиб бормоқда.

Шуниси эътиборга лойиқки, глобал кимё ишлаб чиқаришида етакчилар энг катта захираларга эга мамлакатлар эмас. Гамбия, деярли тулук углеводдорд импортига боғлиқ, Корея Республикасида муҳим хомашё базиси йўқ. Сингапур эса деярли табиий ресурслардан махрум. Шунга қарамай, улар саноатининг глобал етакчилари қаторида.

Чунки улар ҳар бир тонна хомашёдан сезиларли даражада кўпроқ қиймат яратишни ўрганган.

Ривожланиш йўналишининг мантиғи ҳам ўзгарди. Илгари инвестиция лойиҳаси объектга битта завод бўлган, бугунги кунда эса бутун ишлаб чиқариш занжирини лойиҳалаштирилади: ресурс базиси, чуқур қайта ишлашнинг истиқболли йўналишларини таҳлил этилади, ҳар бир босқичнинг мақсодидоғи ҳисоблаб чиқилади ва шундан кейингина куриллиш бўйича қарор қабул қилинади. Бу ёндашув қиймат занжиридан илчил юқорига кўтарилиш имконини беради, бу ерда глобал базор фойдасининг асосий қисми ҳосил бўлади. Бу тенденция Ўзбекистон киши саноати учун бошлангич нукта бўлиши керак.



Давлат хомашёдан тортиб, якуний маҳсулотгача бўлган ягона технологик занжирга бирлашадиган, ўзаро боғлиқ лойиҳаларни ичига олган яхлит илмий дастурни субсидия қилиши лозим.

Долзарб мавзу

Ўзбекистон иқтисодиётида кимё саноати етакчи тармоқлардан бирига айлана оладими? Бугунги кунда бу масаланинг ечими кўпроқ хомашё захиралари ҳажми, инвестициялар миқёси ёки барпо этилган корхоналар сонига эмас, балки илм-фан, саноат ва давлат стратегиясини янги ишлаб чиқаришлар ҳамда янги бозорларни шакллантиришга йўналтирилган ягона тизимга бирлаштириш салоҳиятига боғлиқ.



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ўқиш учун
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

балки тармоқнинг аниқ эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши керак. Ўзбекистон Фанлар академияси бу йўналишдаги ҳаракат қилмоқда: эскирган йўналишлар тугатилиб, улар ўрнига кимё санائитининг реал вазифаларига жавоб берадиган янги йўналишлар яратилаяпти. “Тармоқ вазифаси учун лаборатория” тамойили умумий қондага айланган лозим.

Учинчи ва эҳтимол, энг муҳим ўзгариш илм-фанни молиялаштириш тизимида бўлиши керак. Алоҳида йўналишларни парчалаган ҳолда лойиҳа асосида молиялаштиришдан комплекс ёндашувга ўтиш зарур. Давлат хомашёдан тортиб, якуний маҳсулотгача бўлган ягона технологик занжирга бирлашадиган, ўзаро боғлиқ лойиҳаларни ичига олган яхлит илмий дастурни субсидия қилиши лозим.

Хар бир бундай дастур нафақат олимларини, балки ишлаб чиқариш компанияларининг ҳам бирлаштирилган консорсиум томонидан амалга оширилиши керак. Бу ерда туш ўзгариш жуда муҳим. Илгари фан, асосан, «Сам-Чирчик» ёки «Навоийазот» каби йири давлат корхоналари билан ҳамкорлик қилган бўлса, бугунги кунда консорсиумлар кичик ва ўрта бизнесни ўз ичига олиши шарт. Улар йирик корхоналарга қараганда чакқорроқ ва муҳандислик марказлари янги технологиялар ҳамда махсуслотларини тезроқ яратишга сўнгра уларни ишлаб чиқаришга дарҳол жорий этишига имкон беради. Бундай ҳамкорликлар фойдали бўлиши учун илмий дастур доирасидagi молиялаштириш бизнесга ҳам тааллуқли бўлиши керак. Масалан, уларнинг дойиҳа харажатларини яримтача қоплаш орқали. Шунда компания нафақат ташқи мижоз, балки унинг натижасидан манфаатдор бўлган ҳолда ишлаб чиқаришга тўлақонли иштирокчига айланади. Ниҳоят буларнинг барчаси доимий фалоят юратадиган фанларга механизмни таъсис қилади. Унда илм-фан, саноат ва давлат биргаликда устувор йўналишларни белгилайди, ҳаётан тенденцияларини таҳлил қилади ҳамда тармоқни ривожлантириш дастурларини шакллантиради. Айнан шу механизм илмий киёмени ғойдан саноатга сиёсатининг амалий воситасига айлантиради. Шунингдек, у илм-фан муваффақияти мезонини ҳам белгилайди: нафақат унинг пойдевори бўлиб қолганидан илмий мақоалар ва патентлар, балки янги технологиялар, ишлаб чиқариш занжирлари ва экспортдор махсуслотлар ҳам муҳим аҳамият касб этати.

кремний материаллари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган модала — моносилан олиш технологияси яратилди. Кремний қарибди эски бутунни қандажон бозорида кескин танқис бўлиб турди. Гап ишчи нолдан бошлаш қа-қанда эмас, балки мавжуд технологиядан тор-тиб, яқиний юқори технологиялий махсулот-гача бўлган занжирий тўлиқ шакллантириш ҳақида кетмокда. Натихада илмий вазифа-ни узи ҳам узғарида: бу ерда алоҳида бир технология эмас, балки махаллий хомашёдан тортиб, юқори технологиялий материалларгача бўлган чуқур қайта ишланишинг тўлиқ зан-жирий муҳим аҳамият касб этади. Лоийҳалаш объект икки алоҳида технология еки муайян ишлаб чиқариш эмас, балки келажакдаги бу-тун бир тармокка айланади.

Қандай ўзгаришлар зарур?

Бундан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, илм-фан тармоққа стратегик вазифаларни шакллантириш босқичиданоқ жалб этилиши керак, режалаштириш объекти эса алоҳида корхона эмас, балки қўймат яратишнинг тўлиқ занжирى бўлиши лозим. Бирок, тўғри ёндашувнинг ўзи кифоя қилмайд — уни амалга ошириш учун илм-фанин ташкил этиш, молиялаштириш ҳамда ишлаб чиқариш билан интеграциялаш тизимида аниқ ўзгаришлар қилиш талаб этилади.

Авалло, лаборатория ва корхона ўргасидаги тафовитни бартараф этиш керак. Дунё бўйлаб муҳандислик марказлари ва тажриба завоҳдлари бу муаммони ҳал қилмоқда, илмий натижаларни соаноатга жорий этмоқда. Бу тафовитнинг қай даражада ҳақиқий экани қуйидаги мисолда қўрсатилаган: олимларнинг аллақачон углерод нанотубаларини синтез қилиш учун маҳаллий технологияга эга. Ушбу материалнинг глобал бозори 2030 йилга келиб 8 миллиард долларга етати. Аммо ушбу минтақадаги мамлакатларда ишлаб чиқариш ҳали йўлга қўйилмаган. Келаси йил биз шундай технологияни тақдим этишга тайёримиз. Бироқ айнан ишланмани ишлаб чиқаришга ўтказиш босқичида бугунги кунда етишмаётган зарур муҳандислик кўприғи керак бўлади.

Иккинчи ўзгариш илм-фанни ташкил этишнинг ўзига тааллуқли. Лабораториялар илмий мактаблар анъанаси бўйича эмас,

Ўзбекистон иқтисодиётида кимё sanoati татакчи тармоқлардан бирига айлана олади-ми? Бугунги кунда бу масаланинг ечимини кўпроқ хомашё захиралари ҳажми, инвестициялар миқдоси ёки барпо этилган корхоналар сонига эмас, балки илм-фан, sanoat ва davlat стратегиясини янги ишлаб чиқаришлар ҳам-да янги бозорларни шакллантиришга йўнал-тирилган ягона тизимга бирлаштириш сало-ҳиятга боғлиқ.

Давлатимиз раҳбарининг илмий қимёни ривожлантириш бўйича вазифаси айнан шу рояга асосланади. Бу нафақат илм-фаннинг қўллаб-қувватлаш ёки айрим илмий ишланмалари ҳориш жорий қилиш, балки тармоқ тараққиётининг мутлақо янги моделини шакллантиришини аниқлатади. Ушбу моделда стратегик қарорлар илмий таҳсилларга таянган ҳолда қабул қилинади, тадқиқотлар эса янги ишлаб чиқариш занжирлари ва мамлакатларнинг рақобатдор устуниқларини яратишга йўналтирилади.

Илм-фан инновацион жараённинг сўнг-
ги босқичи эмас, унинг асосий бошланиш
нуқтаси бўлиши лозим. Ана шунда "илмий
кимё" тушунчаси оддий илмий фан номи
доирасидан чиқиб, саноат ривожланишининг
мураккаб фалсафасига айланади. Бу йўналиш
Ўзбекистон кимё саноатини иқтисодиётнинг
етакчи тармоқларидан бирига айлантириш
хизмат қилиши мумкин.

ХАСТАЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШ ИМКОНЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Саломатлик – эл бойлиги

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, энг олис ҳудудларгача бу йўналишда зарур шарт-шароитларни яратиб давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан. Мамлакатимизда сўнгги йилларда мазкур соҳани ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга қаратилган қатор қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Улар асосида тиббиёт муассасалари янги замонавий ускуналар билан таъминланмоқда. Шунингдек, ҳар бир бемор касалликлар кесимида скрининг текширувлардан ўтказилиб, хасталикларни эрта аниқлаш ва даволаш чоралари қўйилапти.

Президиумнинг 2026 йил 20 январдаги “Ушлар ким қанча томир ва цереброваскуляр касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини тақомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳам бор яна бир маҳкам қадам бўлди. Бутун дунёда бўлганимиз каби ўзбекистонда ҳам турдаги касалликлар кўрсаткичи тобора ошаётди, ҳатто унга қатъий хавфи яшариб бормоқда. Шунинг инобатга олган ҳолда, қарорда аҳоли ўртасида ушлар ким қанча томир ва цереброваскуляр касалликларни барвақт аниқлаш, уларга кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг янги босқичга олиб чиқиш орқали эрта ўлим ва ногиронлик ҳолатларини камийтириш, беморларни соғломлаштириш ҳамда реабилитация қилиш тизимини яратиш, шунингдек, аҳолига кардиологик ва неврологик

ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш мақсад қилинган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Республика шойлиҳин тиббий ёрдами илмий-амалий маркази Навоий филиалидада ангиография ҳамда юрак-қон томир жар-роҳлиқ бўлими ташкил этилди. Бўлимнинг очилгани юрак ва ўткир қоронғи синдром билан оғриган беморларда шойлиҳин жар-роҳлиқ амалиётларини ўтказиш имконининг беради. Юрак соҳасида кучли оғриқ билан келган беморда ангиография ва биттаниган юрак-қон томирларини стентлаш амалиётлари ўтказилса, 3-4 кундан сўнг бемол уйигага қайтиши мумкин. Албатта, беморлар яшаши-жойида кардиолог назоратида бўлиши, до-ри-дармонларини ўз вақтида қабул қилиши ва қоронғи. Шунинг учун беморлар ҳар ой қили учу-ру

ойда марказда кўриқдан ўтиб, шифокорлар назоратида бўлади.

— Бугун вилоятда истиқомат қилаётган 1 миллион 109 мин кишига 212 та даволash-профилактика муассасаси табиий хизмат кўрсатиб келади, — дейди Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Нурали Сафоев. — Вилоятдаги 40 ва ундан катта ёшдаги 338,9 мин фуқаро юрак-қон томир ва қандли диабет касаллигини аниқлаш бўйича скрининг текширувлари ўтказилди. 20 минга яқини амбулатор шарафига, 4091 нафари туман, 569 нафари виллоят ҳамда 15 нафари республика табиёт марказларида соғломлаштирилди. Шунингдек, скрининг натижасида қандли диабет касаллигининг хавф омиллари аниқланиб, амбулатория шарафига

да 11 минг 125, туман марказида 2101, вилоят тиббиёт муассасаларида 877 ва республика тиббиёт марказларида 16 бемор даволанди. Бу жараёнда марказлашган электрон реестр самарали йўлга қўйилгани беморлар ва шифокорлар учун самара бериляпти.

Ҳозир Хатирчи, Қизилтепа туманлари ҳамда Зарфшон шаҳрида полиграфия марказлари фаолияти йўлга қўйилган ҳамда энг замонавий диагностика аппаратлари билан таъминланган. Бу ҳам аҳолини яшаб ҳудуд-таинда тўлиқ текширувлардан ўтказиш, аниқ ташхис қўйиш ва самарали даволаш, керак бўлса, амалиётларни ҳам ўтказиш имконини беради.

Филиалда шифокорлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш билан чекланиб қолмай,

беморларга янада қулайлик яратиш, касал-
ликларни самарали даволаш, соғлом ҳаётга
қисқа муддатда қайтариш учун илмий изла-
нишлар билан шугулланимиз.

Навий вилоти қўп тармоқли тиббиёт марказида ҳам ўқир юрак-қон томир ва цереброваскуляр касалликларни даволаш, мураккаб жаррохлик амалиётларини ўтказиш шун зарур шарт-шароит мавжуд. Муассаса ичидан йилга замонавий аппаратлар билан бойимокда. Бу эса беморларга ҳам вақт, ҳам маблаг тежаб, дардан тезроқ фориғ бўлиш имкониятини беради.

— Хозир юрак-қон томир касалликларига чалиниш хавфи йилдан йилга кўпайиб бораётти, — дейди кардиолог-аритмолог шифокор Достон Эзонов. — Аваллари бундай касалликлар асосан ёши катта беморларда, хусусан, 55-70 ёшлардага учраган бўлса, ҳозир яшариб, ҳатто 20-30 ёшларда орасида ҳам қайиб этилмоқда. Аҳолининг соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслиги, нотўғри овқatlanиши, витамин қўлмаслиги, ўз вақтида шифокор кўригидан ўтмаслиги натижасида инсульт, инфаркт каби хавфли касалликлар юзага келяпти. Вилоят ҳўп тармоқини тиббиёт марказимизда турли хўп юрак-қон томир касалликларини мураккаб жарроҳлик амалиёти орқали даволаш имконияти мавжуд. Замонавий тиббий ускуналар тўғрисида амалиётларимиз муваффақиятли ўтмоқда.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш кўла-
ми инддан йилга кенгайиб бораётди. Баъзи
текширувлар, юқори технологик жароҳлик
амалиётлари вилоят ва туманларнинг ўзидан
амалга ошириляпти. Хусусан, вилоятда жо-
рий йил шу кунга қадар туғма юрак нуқсони
булган, стентлаш, эндопротезлаш, лапароско-
пик, буйрак ва жигар трансплантацияси, кўз
касаликлари ва бошқа ҳолатларда 2000 га
яқин беморда юқори технологик жароҳлик
амалиёти ўтказилди. Уларнинг 440 таси ви-
лоят муассасасида, 1544 таси эса шаҳар, ту-
ман тиббий бинолашларига бажарилди.

— Жорий йил бошидан буён Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида 260 дан ортиқ юқори технологияли

жароҳлиги амалиёти ўтказилди, — дейди Навоий вилоти кўп тармоқли тиббиёт маркази бош жароҳи Уткир Хушвақтов. — Ушбу амалиётлар орасида ўта мураккаб бўлган буйрак кўчириш ва юрак трансплантацияси ҳам бор. 2024 йилда республикада тажир трансплантация муассасаларида амалга оширилган олтинчи вилот бўлди. Хар ой Навоий вилоти кўп тармоқли тиббиёт маркази мутахассислари туман ражажасига тушиб, ўша ерда юқори технологияли жароҳлик амалиёти ўтказиб, тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Марказимизда ҳозир деярли барча диагностика усулини мавжуд. Яқинда халқаро Кувайт фонди кўмағида яна ЛОР комбайн, эндоскопик усуналар, лапароскоп, литотриптер, УТТ аппаратлари олиб келинди. Ҳозир марказимизда Навоий давлат университети тиббиёт факультети кафедраси очилган, 20 дан ортиқ филозофия, ҳуқуқ, илмий талқинот ётмақда

Шифокоримиз илмий тадқиқот учун эълон қилди.

Ҳар қандай тиббий хизмат ушмоқ муассасада зарур шароит бўлиши шарт. Айниқса, тиббиётда мухтаassisасларга эҳтиёж ортиб боради. Бу борада вилоятдаги тиббиёт муассасаларининг 40 дан зиёд мухтаassisас хорижий тиббиёт ва илмий муассасалардан малака ошириб қайтди. Бундан ташқари, вилоят марказидан олис шаҳар ва туманларда ҳам аҳолига тиббиётнинг яқинлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда Уттан йили худудлардаги тиббиёт муассасаларида 61,8 миллиард сўмлик курилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиди. Энг кечка қилинган ишлари поликлиникалар қурилиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Моддий-техник база мухтаassisамланди ва маънан эскирган бинолар қайта таъмирланди.

Ҳар соҳада кўзга ташланаётган инсон қадри ва манфаати йўлидаги ислохотлар тиббиёт тизимида ҳам жадал бажарилмоқда. Пировардида аҳоли саломатлигини асраш ва тиклаш учун имкониятлар кенгаймоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Орамиздаги одамлар

Саодат Опанинг каштаси дунё бозорида

— Бунча чиройли бўлмаса? Рангин гуллари жуда бежирим солинган...
— Билишимча, қўл меҳнати. Бу айлана тарзида тикилгани бош кийим бўлса керак. Бир оз олдин эркаклар кийиб юрганини кўргандим.
— Мана буниси янада чиройли экан. Қизик, буни қўлда тикишганмикан?
— Аёллар сумкачасининг ажойиблигини...
— Совға сифатида олсак бўларкан...
Сотувчи сайёх инглиз аёлларининг ўзаро суҳбатини жимгина тинглаб турди. Кейин уларнинг қизиқиши ортаётганини кўриб сўз қотди.
— Марҳамат, меҳмонлар. Бу миллий хунармандлигимиз маҳсулоти, — деди у.



Сайёҳлар бир оз жим қолди. Бир-бирига маъноли қаради. Уларни сотувчи инглиз тилида бемалол гаплаша олаётгани янада ҳайратлантирганди. Буни сезган опа каштачилик тарихи ҳақида сўзлай кетди. Дикқат билан эшитган меҳмонлар шунча нарсани қандай қилиб қўлда тикиш мумкинлигига қизиқди. Саодат опа олдинроқ бошлаб қўйган дўппини қўлига олиб, уни сайёҳлар кўз олдида тикиб кўрсата бошлади. Меҳмонлар хунарманднинг ҳаракатини суратга олишга интиларди. Турли саволлар бериб, кераклича жавоб олганидан мамнун бўларди. Сотувчи опанинг қўллари эса беҳато ҳаракат билан тикишда давом этиб, матога ажойиб гул қўндиради.

Сайёҳ аёллардан бири тикиб кўрмоқчи бўлди. Эплай олмади. Ҳамроҳи эса унга бо осон эмаслигини ўқтирди. Бунинг учун айнан шу мактабда ўқиш кераклигини, курсни тугатиб, диплом олсагина моҳир каштачи бўлишини таъкидлади. Шундан сўнг эсдалик учун иккита чиройли буюмдан сотиб олиб, хайрлашди.

Чала тикилган дўппига термилганча Саодат опа хаёлга берилди. Қизик, каштачиликни ўрганиш учун ўқиш керамикан? Курсни тугатиб, диплом олиш зарурми? Ёши олти-мишга яқинлашяптики, бу ҳақда бирор марта ўйлаб кўрмаган экан. Ўзи бу хунарни қачон ўрганганди? Ёшлик давларини эслади.

...Ушанда эндигина олти ёшга қадам қўйган қизалоқ эди. Қиш изгиринида далага чиқишнинг имкони йўқ. Атрофни оппоқ қор қоплаган. Деразадан ташқарига термилганча қиш манзарасига маҳлиё бўлиб турганди. Бир пайт кимдир секин қўшиқ хиргойи қила бошлади. Қизча овоз қайдан келаётганига диққат билан қўлоқ тутди.

Бу овоз нариги хонадан келаётганди. Шошганча ўша ерга кирди. Одатта кўра момоси юмуш билан банд. Қўлида эса каттагина оқ мато. Яримга қизил, яшил, сариқ каби турли рангдига иппардан иборат гуллар тикиб чиқилган. Момосининг қўшиғи эса жуда ҳорғин. Ушанда балки кўзига ёш олиб қўшиқ айтгандир, овози бир оз бўғиқ чиқаётгандек эди. Қўллари ҳаракатдан тўхтамасди. Секин унинг ёнига ўтирди. Матога диққат билан қараб, нима эканини англашга уринди. Момосига ҳалақит қилмаслик учун савол бермади. Ҳар сафар уф тортганида кекса аёлнинг



елкалари бир қўтарилиб тушар, катта кўзойнаги хиралашиб қолгандек кўринарди. Ким билсин, момо ёшлиқда кўрган-кечирган оғир кунларини ёдга олганмикан?

Бир пайт онахон набирасининг унга термиллиб ўтирганини илғади. Қўшиқни тўхта-тиб, яқинига имлади ва қўлидаги каштанинг нима эканини тушунтира бошлади. Бу момолардан мерос хунарлигини, ҳар бир қиз бунни яхши билиши шартлигини ўқтирди.

Саодат момосининг сўзлари мағзини тўлик чақолмаган бўлса-да, каштачилик яхши иш эканини англади. Момосининг қўлидан

игнани олиб, тикишга уринди. Илк ҳаракати ёмон чиқмади. Момоси набирасини узоқ дуо қилди.

Шундан қизалоқнинг миллий хунармандликка меҳри тушди. Бошида унчалик ўхшамаган эса-да, бешинчи-олтинчи синфда ўқийдиган пайтлари бинойидек удалайдиган бўлди.

Ховлиси Шахрисабздаги Оксарой яқинида бўлгани боис, момоси тиккан кашталарни ҳар сафар ўша ерга келган меҳмонларга сотиб келарди. Кейинчалик ўзи тайёрлаган турли буюмларини ҳам олиб

борадиган бўлди. Лекин кўҳна Кешга келган меҳмонларнинг аксарияти инглизча сўзлашар, Саодат бу тилни билмасди. У пайтлари мактабда инглиз тили ўтилмасди. Тиришқоқлиги сабаб ўзи мустақил ўргана бошлади. Дастлаб хорижликлар билан оз-оз сўзлашадиган бўлди. Аста-секин дўппи ва кашталар нархини тушунтира олишга ўтди. Лекин кейинчалик Оксарой мажмуаси атрофида савдо қилишга рухсат бермай қўйишди...

Саодат Низомова вояга етиб, турмушга чиқди. Икки қиз, бир ўғил фарзандни дунёга келтирди. Вақт ўтиб, қизларига каштачиликни ўргата бошлади.

— 2020 йил эди. Коронавирус бошланиб, ҳовлидан далага чиқолмай қолдик. Ҳаммамиз ўшда. Бир иш бажариб бўлмайди. Ёшлиқда ўрганган хунаримни давом эттириш фикри туғилди, — дейди Саодат опа. — Қизларимни ёнига олиб, кашта, дўппи каби нарсалар тикишни бошладим. Бир кун қарасам, анчагина тайёрлаб қўйибмиз. Энди сотувни йўлга қўйиш керак эди. Аммо расмий ҳужжатга эга эмасдим. Мутахассислар билан маслаҳатлашганим, хунармандлар учун қатор имтиёзлар берилгани ҳақида айтиб қолди. Кераклик ҳужжатларни тўплаб, расмий йўлхатдан ўтдим. Шундан сўнг Оксарой мажмуасидан жой олиб, ишни бошлаб юбордим. Қизларим ёрдамлашиб, тез орада ишни йўлга қўйдик. Сифатли буюмлар тикиб, сота бошладим. Шахрисабзга келадиган хорижлик сайёҳлар билан яхши суҳбатда бўлишга интилдим. Уларга юртимизнинг жозибadorлиги ҳақида гапириб бераман.

Хунармандлик тарихи ҳақида маълумот беришга уринаман. Хуллас, савдомиз яхшила-ниб, кўпроқ маҳсулот тайёрлайдиган бўлди. Бунинг учун бизга қўшимча ишчи кучи керак эди. Маҳалламиздан тўрт хотин-қизни ишга олдик. Аста-секин тармоғимизни кен-гайитдик. Кейинчалик касаначиликни йўлга қўйдим.

Саодат опа тажрибаси ошиб, қисқа фурсатда етакчи хунармандлар қаторидан жой олди. Кейинчалик доимий равишда республикамизнинг турли ҳудудларида ўтказиладиган ярмаркаларда ўзи тайёрлаган миллий маҳсулотлар кўргазмасини ташкил этадиган бўлди. Турли танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни ҳам қўлга киритди.

Жумладан, 2023 йил Қўқон шаҳрида ўтказилган II Халқаро хунармандлик фестивалида фаол иштироки учун халқаро сертификат билан тақдирланди. 2019-2024 йиллар Москва шаҳрида ўтказилган халқаро танловларда, БААнинг Абу-Даби шаҳрида Халқаро хунармандлик маҳсулотлари фестивалида иштирок этди.

2025 йилда Малайзия, Озарбайжон, Туркия, Эрон, Японияда ташкил этилган халқаро кўргазмаларда фаол хунармандлар қаторида ўз маҳсулотлари намоишини ўтказди. Тайёрлаган маҳсулотлари маҳаллий бозорларда харидорлиги билан ном чиқарди, чет эллик сайёҳлар ўртасида ҳам катта қизиқиш уйғотиб, қатор сайёҳлик фирмалари билан ҳамкорлик қила бошлади.

— Ҳар сафар хорижга борсам, ҳамкорлик шартномаси тузиб келишга интиламан, — дейди Саодат опа. — Шу пайтга қадар миллий хунармандлик маҳсулотларимизни Германияга экспорт қилиб келаётгандик. Жорий йилдан бошлаб Японияда сотишни йўлга қўямиз. Бундан ташқари, индонезиялик ишбилармонлар ҳам қизиқиш билдирган. Улар билан ҳам яқинда шартнома имзоладик. Тез орада уларга ҳам маҳсулотларимизни жуна-та болаймиз.

Айни пайтда хунараманд опа Шахрисабздан ташқари Самарқанд шаҳрида ҳам фаолият юритиб келади. Хусусан, мамлакатимизга таширф буюрган хорижий давлат раҳбарлари, олий мартабали меҳмонлар доимий равишда Самарқанд халқаро туризм марказидаги “Бокий шаҳар” тарихий-этнографик мажмуасида бўлиб, Саодат Низомаованинг бой маданий меросимиз ва амалий санъатимизни акс эттирувчи хунармандлик фаолияти билан танишиб келмоқда.

Яна бир гап. Опа ишсиз аҳоли қатламини касаначилик, тадбиркорлик ҳамда касб-хунарга жалб қилишда ҳам фаол. Бугунги кунга қадар Қашқадарёда 3000 дан ортқ хунараманд шогирд тайёрлаган. Китоб ва Шахрисабз туманларидаги олис тоғли ҳудудларда истиқомат қилаётган хотин-қизлар бандлигини таъминлаб, ойига ўртача 2-3 миллион сўм даромад топишига имкон яратган.

Ҳозир у янги лойиҳа устиди ишламоқда. Бу амалга ошган, қўшимча иш ўринлари очилди. Қизи ҳам бугунги кунда “Дилноза каштачи” корпорациясини очиб, касаначилик ривожланишига ҳисса қўшиб келяпти.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Файзли Хонадон Жозибаси Хорижликларни Мафтун этмоқда



Туризм

Бухоро вилояти Вобкент тумани Найман қишлоғидаги Чангарон маҳалласида бир оила яшайди. Нафақага чиққанидан буён анча йиллар ўтган бўлса-да, ҳамон қариликни тан олмай, эзгу ишлар билан банд оила бошлиғи Рустам Ражабов бир вақтлар фельдшер, оила сохибаси Курсия она эса муаллима эди. Қишлоқдошлари бу икки нуруний ҳақида оғзидан бол томиб гапирарди.



Замира РЎЗИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Дўстлик” ордени соҳиби

Уларни нафақат маҳалла, туман ёки вилоятда, балки кўпгина хорижий мамлакатларда ҳам танишади. Бу рост гап. 52 йилдан буён бирга яшаб, икки қиз, икки ўғилни вояга етказган, элга қўшган Рустам ота ва Курсия она кейинги ўн йилда шунақа таниқли бўлиб кетди...

Ўн йил аввал тўнғич ўғли Достонбек Ражабов институтни тамомлаб, Бухородаги меҳмонхонада менежер бўлиб ишлай бошлади. Кейин укаси Бехзодбек ҳам чет тиллар институтини тугатиб, инглиз, француз, тожик, рус тиллари бўйича таржимон бўлиб, аксининг ёнига келди. Сўнгра Достонбек АҚШ ва Туркияга малака ошириш сафарлари давомида инглиз ва турк тилларини мукамал ўрганди.

У фақат тил ўрганмади, ўша юртлардаги одамларнинг яшаш, кийиниш, овқатланиш одатларига алоҳида эътибор берди. Сабаби тафаккури ва кўзга ўзимизнинг ўзбекча яшаш тарзимиз, урф-одатларимиз, кийимларимиз, ноз-неъматларимиз дунёдаги энг зўри бўлиб кўринаверди. Фахр, гурур туйди қалбида. Дунё аҳлининг бундан бохабар бўлишини, бизга ҳавас қилишини истайди. Қалбидаги бу фахр гурурни ота-онасига, укасига айтиб бераркан, ажойиб бир режани ўртага ташлади.

— Бухорога келган сайёҳлар, табиийки, Вобкентга ҳам таширф буюради, — деди у ҳаяжонланиб. — Уларга фақат тарихий обидаларимизинигина эмас, миллий таомларимизни, либос ва урф-одатларимизни, қадриятларимизни ҳам кўрсатсак дейман.



— Яқинда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобуринома” асари таъдилини ўқидим, — гапга қўшилди онаси. — Неча минг йиллик тарихимиз бор. Ҳўл новдани суқиб қўйсанг, уч кунда барг чиқарадиган ноёб туپроғимиз, шу туپроқ билан тиллаша оладиган меҳнаткаш халқимиз, зўр қадриятларимиз бор, улар билан дунёни таништирсак қанийди.

Хуллас, ака-уканинг туризм соҳасидаги изланишлари, ўзига хос фаолияти бошланиб кетди. Кўпни кўрган ота-онаси уларнинг ёнида турди. Туман туризм идорасидагиларга ҳам бу ташаббус маъқул келди. Зеро, ҳар бир хорижлик сайёҳ ўз саёҳати давомида мамлакатимиз ҳақида мукамал тасаввурга эга бўлгиси келади. Шунингдек, Ўзбекистон

ва ўзбек халқи, оиласи, таомлари, оналари, келинлари, меҳмондўст фазилатлари ҳақида билишга қизиқади.

Шуни ўйлаган Достонбек ва Бехзодбек маслаҳатлашиб, бу танишувларни ўз оиласида ўтказишга аҳд қилди. Ахир унинг онаси меҳмонни хуш кўрадиган, ловиллаб қизиган тандирда қузариб пишидиган патир нонлар ёпиб, гуручи ўрмалаб кеттудай қўлинг ўргилсин, палов дамлайдиган пазанда-ку. Келинларига, қизларига ҳам унинг бу фазилатлари юққан, албатта. Ховлидаги ўзбекча истара, фой, хонадон соҳибларининг гўзалликка ошнолиги қайси сайёҳни қизиқтирмайди?! Томорқа тўла мевали дарахту егулик экинлар, сал наридаги кўрада боқилаётган қўйлар, муъжазгина бўлса-да, ўзлари қурган иссиқхонадаги лимону

мандарин, банан, хурмо мева тугиб турибди. Буларни Ўзбекистон ўз қўли билан яратган жаннати деса ҳам бўлаверади.

Чеч қанча ўтмай, ташаббус ва ниятлар амалга оша бошлади. Вобкентга келган хорижлик сайёҳлар Ражабовлар оиласига албатта таширф буюрадиган бўлди. Йил сайин тажрибалари ошиб, каттагина бир хонани музейга айлантиришди. Ўзбегимнинг қадимий осори атиқалари, миллий либослари, аёл-қизларимизнинг тақинчоқлари, офтоба, чилпочину шולי сақлагич бордонлар, ёғ асрагич сопол хумлар қўйилди. Бугдой, пахта етиштиришдаги, ипак курти боқилдаги экспонатлар билан ҳам жиҳозланди бу музей.

Юқорида айтганимиз, муъжазгина иссиқхонада мўъжизадай бўлиб етилган лимон, мандарин, банан, хурмо, томорқа гирдини ўраб турган 20 туپ анор, 15 туپ тоқ, олма, шафтоли, нок, олча ва гилос дарахлари ҳам тўкинлик, ҳам гўзаллик бўлиб сайёҳларни ҳайратга сола бошлади.

Достонбекнинг Германияга сайёҳ бўлиб бориб келган дўсти Берлин шаҳридаги йирик ярмаркадаги кўргазмалардан брида Курсия онанинг тандирдан нон узатган катта ҳажмдаги сурати томошабинларни ҳайратга солаётгани ҳақида гап топиб келди. Ишонилари учун кўргазмадаги катта паннони суратга ҳам олиб қайтгани-чи.

Туркия давлат телевидениеси Курсия онанинг келинлари билан пазандалик маҳоратлари ҳақида алоҳида кўрсатув тайёрлаб, намоиш этгани ҳам ўзбекча урф-одатлар, қадриятлари тобора машҳур бўлиб бораётганидан нишона, албатта.

Курсия онанинг пазандалиги, оқилалиги, фарзандлар тарбиясидаги зукколиги ҳар бир хорижлик меҳмоннинг ҳавасини келтиради. Онахоннинг сайёҳлар келишига ўзбекча камзулга “Муътабар аёл”, “Ибратли оила бекаси” кўкрак нишонларини тақиб олиши эса юртимизда меҳнат кишиларининг давлатимиз томонидан эъзозланиб, рағбатлантирилиши ҳақида хабар беради. Келинлари Нарғизахон ва Гулзодахон, қизлари Ферузахон ҳамда

Мадинахоннинг қаққону ишчанлиги, одоби, меҳмондўстлигидан ота-она тарбиясини олгани, бизда оилалар ҳамжиҳат, бир-бирига устозу шогирд бўлиши, оила муқаддаслиги ҳақида тасаввур уйғотди.


“Нуруний” жағмаракиси Вобкент тумани бўлими фаоллари ва раҳбари учрашув ҳамда тадбирларда Ражабовлар оиласининг элга ибрат экани ҳақида фахрланиб гапирарди. Бир гал Вобкент тумани нурунийлари ҳақида “Маҳалла” телеканалдан берилган кўрсатув шу ҳовлидан узатилгани ҳам бежиз эмас.

— Доимий келди-кетдилар чарчатиб қўймайдими? — сўрадим онахондан.

— Нега чарчатади, шоира Турсуной Содикованинг бир шеърини айтган “Уч кун меҳмон келмаса, ўзбегимга уятдир” деган сўзлар ҳаммамизнинг феълимизга синган, — дейди Курсия она. — Бу феъл менга раҳматли қайнонамдан ўтган бўлса, мен қизларим ва келинларимга ўргатганман. Саришта ховлимиз, иссиқхонадаги қўштов меваларимиз келган меҳмонни ҳайратга солса, улар ўзбекча ошу мантидан, сомаю чувварадан тановул қилиб хурсанд бўлса, ўзимиз ҳам яйраб кетамиз. Хонадонимизга барака ёғилганини сезиб тураимиз.

Хонадоннинг баракаси ҳақида гап кетса, бу оиланинг ҳар йили қишлоғидаги кам таъминланган оилаларга гўшту сазовот, турфа мевалар тарқатиши ҳам ўзбекча қадриятларимизнинг энг гўзали эканини айтиб ўтиш жоиз.

Зотан, юртимизда мана шундай файзли, ибратли ва дунёга ўзбекистон асл қиёфасини кўрсатиб турган табарур хонадонлар, пири комил нуруний ота-оналар, тил билгич, иш билгич ташаббускор ёшлар бор экан, юртимизнинг баракаси, ўзбек хонадонининг жозибаси асло йўқолмайди. Бунни ўн йилдан буён Бухоронинг Вобкентидан туз топиб, меҳмондўстликдан, ўзида пайдо бўлган тоза тасаввурлардан шодланиб кетаётган мингглаб хорижлик сайёҳлар ҳам тасдиқласа керак...



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълолар бўлими: (71) 233-70-98

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилиб берилади.
Газетанинг етказиб берилиш учун убунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРК” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан ўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746.
29609 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРК” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Аслиддин Абдуразоқов
Мусаҳҳус: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилнинг:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 21:15 Топирилди — 23:10